Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 13 (5. 904) • 1986 йил 16 январь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ М. С. ГОРБАЧЕВ нинг БАЁНОТИ

Янги, 1986 йилнинг дастлабки кунлари бошланди. Бу йил Совет давлати тарихида муҳим, айтиш мумкинки, бурилиш йили, КПСС XXVII съезди йили бўлади. Съезд совет жамиятини сиёсий, социал-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришнинг келгуси минг йилликка қадар бўлган энг асосий марраларини белгилаб беради. У тинч ривожланишимизни жадаллаштириш программасини қабул этади.

КПССнинг бутун кучғайрати совет халқининг турмушини янада яхшилашни таъминлашга қаратилган.

Халқаро майдонда ҳам яхшилик сари бурилиш керак. Совет Иттифоқининг халқлари, бутун дунё халқлари шундай бурилиш бўлишини кутмоқдалар, шуни талаб қилмоқдалар.

Шунга биноан, янги йил бошланиши биланоқ КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси билан Совет ҳукумати ташқи сиёсат соҳасида принципиал характерга эга бўлган бир қанча йирик тадбирларни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу қарорларнинг моҳияти халқаро вазиятни яхшилашга имкони борича кўпроқ кўмаклашишдан иборат. Кейинги йилларда кучайиб бораётган салбий, мухолифлик тенденцияларини бартараф этиш, Ер юзида ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва космосда шундай пойганинг олдини олишга, умуман уруш хавфини камайтиришга, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг таркибий қисми бўлмиш ишонч ўрнатишга олиб борадиган йўлни тозалаш зарурати мана шу тадбирларни тақозо этмоқда.

I.

Шу тадбирларнинг энг муҳими — бутун дунёдаги ядро қуролини батамом тугатишнинг аниқ белгилаб қўйилган вақтга мўлжалланган конкрет программасидан иборат.

Совет Иттифоқи босқичма-босқич ва изчил иш тутиб, Ер юзини ядро қуролидан халос этиш жараёнини яқин 15 йил мобайнида амалга ошира бориб, шу асрнинг охиригача тугаллашни таклиф қилади.

XX аср инсониятга атом энергиясини туҳфа қилди. Бироқ ақл-идрокнинг бу буюк ғалабаси одамлар учун ўзини ўзи қириш қуролига айланиши мумкин.

Бу зиддиятни ҳал этиб бўладими? Уни ҳал этиш мумкинлигига бизнинг ишончимиз комил. Ядро қуролини тугатишнинг самарали йўлларини топиш вазифасини ҳал этишга зудлик билан киришиладиган бўлса, у бемалол уддалаш мумкин бўлган вазифадир.

Совет Иттифоқи 1986 йилдан бошлаб инсониятни ядровий фалокат олдида даҳшатга тушишдан халос қилиш программасини амалга ошира бошлашни таклиф қилади. Бу йилни БМТ халқаро Тинчлик йили деб эълон қилганлиги эса қўшимча сиёсий ва маънавий омил бўлиб хизмат қилади. Бу соҳада миллий худбинликдан, тактик мўлжаллар, низолар ва нифоқлардан устун турмоқ керак, уларнинг аҳамияти бош қадрият бўлмиш тинчликни, ишончли келажакни сақлаб қолишга қиёс қилинадиган бўлса ҳеч нарсага арзимайди. Атом энергияси фақат тинчликка хизмат қилиши керак — бизнинг социалистик давлатимиз доимо шу йўлда ҳаракат қилиб келди ва шу йўлда ҳаракат қилаверади.

Айни бизнинг мамлакатимиз 1946 йилдаёқ атом қуролини ишлаб чиқариш ва ишлатишни тақиқлаш масаласини ўртага қўйишда ҳам, ядро энергиясидан тинч мақсадларда инсоният бахт-саодати йўлида фойдаланишда ҳам биринчи бўлиб майдонга чиққан эди.

Ҳозир Совет Иттифоқи ядро қуролларини — ҳам шу қуролни ташиш воситаларини, ҳам портловчи зарядларни қисқартириш, бора-бора уларни бутунлай тугатиш тартибини амалда қандай тасаввур этади? Умумий тарзда бизнинг таклифларимиз қуйидагилардан иборат.

Биринчи босқич. 5-8 йил мобайнида СССР ва АҚШ бир-бирларининг территориясига ета оладиган ядровий қуролларни икки баравар камайтирадилар. Уларда қоладиган шундай элтувчи воситаларда кўпи билан 6000 тадан заряд сақланиб қолади.

Ўз-ўзидан равшанки, СССР билан АҚШ зарбдор космик қуролларни яратиш, синаш ва жойлаштиришдан ўзаро воз кечганлари тақдирдагина қурол-яроғларни шундай камайтириш мумкин. Совет Иттифоқи неча марталаб огоҳлантирганидек, зарбдор космик қуролнинг яратилиши Ер юзида ядровий қуролларни камайтиришга бўлган умидларни йўққа чиқаради.

Биринчи босқичда Европа қитъасини ядро қуролидан ҳоли қилиш йўлидаги биринчи қадам сифатида СССР ва АҚШнинг Европа зонасидаги ҳам баллистик, ҳам қанотли ўртача олислик ракеталарини батамом тугатиш тўғрисида қарорга эришилади ва у амалга оширилади.

Бунда АҚШ бошқа мамлакатларга ўзининг стратегик ракеталари ва ўртача олислик ракеталарини етказиб бермаслик тўғрисида, Англия ва Франция эса ўзларининг тегишли ядро қуролларини кўпайтирмаслик ҳақида мажбурият қабул қилишлари керак.

Аввал бошданоқ СССР ва АҚШ ҳар қандай ядро портлатишларини тўхтатиш тўғрисида шартлашиб олишлари ва бошқа давлатларга мурожаат этиб, уларни ядро портлатишларини тўхтатишга имкони борича тезроқ қўшилишга даъват қилишлари зарур.

Ядровий қуролсизланишнинг биринчи босқичи шунинг учун ҳам СССР ва АҚШга тааллуқлики, айни улар ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатларга ўрнак кўрсатишлари лозим. Женевадаги учрашув вақтида биз АҚШ президенти Р. Рейганга буни жуда рўйирост айтдик.

Иккинчи босқич. 1990 йилдан кечиктирилмай бошланиши ва 5—7 йил давом этиши лозим бўлган шу босқичда ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар ядровий қуролсизланишга қўшила бошлайдилар. Аввалига улар ўзларининг барча ядро қуролларини кўпайтирмаслик, шунингдек бошқа мамлакатларнинг территорияларида бундай қуролга эга бўлмаслик мажбуриятини қабул қилишган бўлур эди.

Бу даврда СССР билан АҚШ биринчи босқичда аҳдлашиб олганидек, ядро қуролларини камайтиришни давом эттирадилар, шунингдек ўзларининг ўртача олислик ядровий қуролларини тугатиш борасида кейинги чораларни амалга оширадилар ҳамда ўзларининг тактик ядровий воситаларини кўпайтирмай қўядилар.

СССР ва АҚШ иккинчи босқичда ўзларининг тегишли қуролларини 50 процент камайтириб бўлганларидан кейин яна бир жуда муҳим қадам қўйилади — ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар тактик ядровий қуролни, яъни учиш масофаси (ҳаракат радиуси) 1000 километргача бўлган воситаларни тугатадилар.

Худди шу босқичда зарбдор космик қуролларни тақиқлаш тўғрисидаги Совет—Америка аҳдномаси унда етакчи саноат давлатлари албатта иштирок этадиган кўп томонлама аҳднома бўлиб қолиши керак.

Ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар ядро қуроли синовларини тўхтатган бўлур эдилар.

Янги физик принципларга асосланган, ўзининг зарба уриш қобилиятлари жиҳатидан ядровий ёки бошқа оммавий қирғин воситаларига яқинлашаётган ноядровий қуроллар яратиш тақиқлаб қўйилган бўлур эди.

Учинчи босқич. 1995 йилдан кечикмай бошланади, шу босқич давомида ҳали сақланиб қолган барча ядровий қуролларни тугатиш ниҳоясига етказилади. 1999 йилнинг охирига бориб Ер юзида ядро қуроли сира қолмайди. Бу қурол кейинчалик ҳеч қачон қайта тайёрланмаслиги тўғрисида универсал аҳднома ишлаб чиқилади.

Ядро қуролини йўқ қилиш, шунингдек, элтувчи воситаларни кўчириб олиш, қайта жиҳозлаш ёки йўқ қилишнинг махсус тартиб-қоидалари ишлаб чиқилиши назарда тутилмоқда. Бунда ҳар бир босқичда йўқ қилиниши лозим бўлган қурол-яроғлар миқдори, улар йўқ қилинадиган жойлар ва шу кабилар келишиб олинади.

Йўқ қилинадиган ва чекланадиган қурол-яроғлар устидан контроллик миллий техника воситалари билан ҳам, шунингдек жойларда инспекциялар ўтказиш йўли билан ҳам амалга оширилган бўлур эди. СССР контрол қилишнинг бошқа ҳар қандай кўшимча чоралари тўғрисида аҳдлашиб олишга тайёр.

Ядровий қуролсизланишнинг биз таклиф этаётган программасини қабул қилиш икки томонлама ва кўп томонлама анжуманларда олиб борилаётган музокараларга, шубҳасиз, қулай таъсир ўтказган бўлур эди. Бу программа навбатдаги йўллар ва мақсадларни аниқ белгилаб, аҳдномаларга эришиш ва уларни амалга ошириш учун конкрет муддатларни тайинлаган, музокараларга аниқ йўналиш ва собитқадамлик бағишлаган бўлур эди. Шу тариқа қуролланиш пойгаси суръатлари музокараларнинг натижасидан ўзиб кетаётган хатарли тенденцияга барҳам берилган бўлур эди.

Шундай қилиб, биз учинчи минг йилликка ўзаро мақбул ва қатъий контрол қилинадиган аҳдномалар асосида ядро қуролисиз қадам қўйишни таклиф этмоқдамиз. Қўшма Штатлар маъмурияти бир неча марта айтганидек, модомики у ядро қуролини батамом ва ҳамма жойда йўқ қилиш мақсадига содиқ экан, унга ҳақиқатан ҳам шу билан шуғулланиш учун амалий имконият берилмоқда. Яқин 10—15 йилни инсоният учун ниҳоятда хатарли бўлган космосдаги янги қуролни яратишга сарфлаш ўрнига (бу қурол гўё ядровий қуролларни яроқсиз қилиб қўйиш учун мўлжалланган эмиш) мана шу қуролларнинг ўзини йўқотишга киришиш ва пировард натижада уларни батамом йўқ қилиш оқилона эмасми? Такрор айтаман, Совет Иттифоқи айни шундай йўлни таклиф этмоқда.

Совет Иттифоқи барча халқлар ва давлатларга, албатта биринчи навбатда ядро қуролига эга бўлган давлатларга мурожаат қилиб, 2000 йилгача ядро қуролини тугатиш программасини қўллаб-қувватлашга даъват этади. Ҳар қандай холис инсонга шу нарса мутлақо равшанки, бундай программани амалга ошириш натижасида ҳеч ким бой бермайди, балки ҳамма наф кўради. Гап умуминсоний аҳамиятга молик проблема тўғрисида бормоқда, бинобарин уни фақат биргаликдагина ҳал этиш мумкин ва лозим. Зотан ушбу программа амалий ишларда қанчалик тез мужассамлаштирилса, планетамиздаги ҳаёт шунчалик хавфсиз бўлиб қолади.

II.

Совет Иттифоқи ядровий қуролсизланиш программаси юзасидан худди шундай ёндашувга ва яна бир амалий қадам қўйиш муддаосига риоя қилиб, муҳим қарор қабул қилди.

Биз ҳар қандай ядро портлатишларини тўхтатишга қаратилган ва муддати 1985 йил 31 декабрда тугаган ўзимизнинг ихтиёрий тадбиримизни уч ойга узайтирамиз. Бундай тадбир АҚШ ҳам ўз навбатида ядро синовларини тўхтатган тақдирда кейинчалик ҳам амал қилаверади. Биз аҳамияти дунёдаги деярли барча кишиларга яққол кўриниб турган бу ташаббусга қўшилишни Қўшма Штатларга яна бир бор таклиф қиламиз.

Бундай қарорни қабул қилиш бизга унча осон бўлмаганлиги равшан. Совет Иттифоқи ядро синовларига нисбатан чексиз бир томонлама вазминлик намоён этавера олмайди. Бироқ мақсадлар шу қадар катта, масъулият шу қадар юксакки, намуна кучи билан бошқаларнинг позициясига таъсир ўтказиш учун биз барча имкониятларни синаб кўрмасдан илож-имиз йўқ.

Барча мутахассислар, олимлар, сиёсатчилар ҳарбийлар, синовларни тўхтатиш ҳақиқатан ҳам ядро қуролини такомиллаштириш йўлларини пухта тўсиб қўяди, деган фикрга қўшилмоқдалар. Бу эса биринчи навбатдаги вазифадир. Ядро қуроли синовларини тақиқламай туриб ядро аслаҳаларини камайтиришнинг ўзигина ядро хавфидан қутулиш имконини бермайди, чунки қолаётган мавжуд қисмлар модернизациялаштирилади, тобора мудҳиш ва ажал уруғини сочувчи ядро қуролини яратиш, синов полигонларида унинг янги турларини пишиқтириш имконияти сақланиб қолаверади.

Демак, синовларни тўхтатиш — ядро қуролларини тугатиш йўлидаги амалий қадамдир.

Олдиндан шуни айтиб қўймоқчиман. Ядро портлатишларини тўхтатиш учун контролнинг ғов бўлишини рўкач қилиш эҳтимоли ҳеч қандай асосга эга эмас. Биз жуда аниқ қилиб айтамизки, контрол биз учун проблема эмас. АҚШ ўзаро асосда барча ядро портлатишларини тўхтатишга рози бўлган тақдирда унга риоя этилиши устидан тегишлича контроллик миллий техника воситалари билан, шунингдек халқаро тартиб-қоидалар ёрдамида — зарур ҳолларда эса жойларда инспекция ўтказиб ҳам тўла таъминланади. Биз АҚШни бу ҳақда келишиб олишга таклиф этамиз.

(Давоми 2-бетда).

Тошкент область XXII партия конференцияси делегати

ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

Транспортнинг энг муҳим тури сифатида метрополитен аллақачон тошкентликларнинг меҳрини қозонган. Ҳар куни юз минглаб йўловчиларнинг манзилини яқин қиладиган метрополитен коллективи съездлар йилида 300 минг киловатт-соат электр энергиясини тежашга, янги техника бўйича 30 дан зиёд тадбирни, иқтисодий самараси 145 минг сўмликни ташкил этадиган 280 та рационализаторлик таклифини ишлаб чиқаришга жорий этишга аҳд қилган. Бу рақамларнинг ортида коллектив ишчи ва хизматчилари, коммунистларининг фидокорона меҳнати турибди. Ҳозирги кунда бу ердаги 123 бўлинманинг 85 таси коммунистик меҳнат зарбдоридир. Коллективнинг ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесари Р. Давлетшин, электропоезд машинисти Б. Қодиров, электромонтёр Ю. Аланберганов, эскалатор машинисти К. Аслонов сингари коммунистлари айниқса ибрат бўлишмоқда. Улар фақатгина зарбдорона меҳнат қилмай, балки илмий текшириш, конструкторлик ишларида ҳам актив қатнашмоқдалар.

Бу муваффақиятларда Тошкент область XXII партия конференциясининг делегати Ольга Павловна Наумованинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У мана тўққиз йилдирки, Тошкент метрополитенининг ҳаракат состави хизматида сидқидилдан ишлаб келяпти. Бу иш жуда аниқликни ва пухталикни талаб этади. Ольга Павловна эса ўз ишини мукаммал даражада эгаллаган. У ҳар сменада 100—120 турли деталларни кўздан кечиради. Ахир, бу поездлар ҳаракатининг хавфсизлиги учун ниҳоятда зарурда.

СУРАТДА: Тошкент область XXII партия конференциясининг делегати Ольга Павловна Наумова.

«Тошкент оқшоми»нинг давра суҳбати

САМАРАЛИ ВА СИФАТЛИ МЕҲНАТ ҚИЛАЙЛИК

ЭРТАГА Тошкент область XXII партия конференцияси очилади. Ютуқлар кўриги бўлади, қилинган ишлар холисона баҳоланади. КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан КПСС Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986— 1990 йилгача ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларида белгилаб берилган марраларга эришиш учун янги резервларни излашга бутун куч-ғайратни сафарбар этади.

Конференция очилиши арафасида редакциянинг давра суҳбатида пойтахт районларининг вакиллари — конференция делегатлари учрашдилар. Улар ўзлари ишлаётган меҳнат коллективларида КПСС Марказий Комитетининг апрель ва октябрь (1985 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, резервларни қидириб топиш, иқтисод ва тежамкорлик, меҳнат интизоми, бригада пудрати усулини жорий этиш масалалари қандай ҳал этилаётгани ҳақида сўзлаб бердилар.

(«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ ДАВРА СУҲБАТИНИ ГАЗЕТАНИНГ 3-САҲИФАСИДА ЎҚИЙСИЗ).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ XXII ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Область XXII партия конференцияси 1986 йил 17—18 январда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг мажлислар залида бўлади (Ш. Рашидов проспекти, 9.).

Конференция 1986 йил 17 январь соат 10.00 да очилади.

Конференция делегатлари ва таклиф этилганлар область партия комитети мажлислар зали фойесида 16 январь соат 14.00 дан 18.00 гача рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ.

15 февраль—коммунистик шанбалик куни

КОЛЛЕКТИВЛАРНИНГ ЮКСАК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Съездолди социалистик мусобақаси давомида мамлакатимиз ҳамда Тошкент меҳнат коллективларида февраль ойининг учинчи шанба куни КПСС XXVII съездига бағишланган коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббуси вужудга келди.

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи», «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмалари, Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти, «Ташсельмаш» заводлари, «Средазтрансстрой» ва «Главташкентстрой»нинг 159-қурилиш трестлари, марказлашган усулда юк ташиш Тошкент шаҳар автомобиль трестининг 2502-автоколоннаси меҳнат коллективлари Ўзбекистон пойтахтида биринчилардан бўлиб коммунистик шанбалик ўтказишга азму-қарор қилганликларини маълум қилдилар.

Бу билан ташаббускорлар мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга доир партия режаларини қўллаб-қувватлаётганликларини, партиямиз навбатдаги съездини муносиб совғалар билан кутиб олишга интилаётганликларини билдирдилар. Улар шанбалик куни юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, оз сарф билан кўпроқ, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, иқтисод қилиб қолинган энергетика ресурсларни, хом ашё ва материаллар ҳисобига ишлаш мажбуриятини олдилар.

Тошкент шаҳар партия комитети маъқуллаган ушбу ташаббусни шаҳар корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг коллективлари қўллаб-қувватлади.

(Давоми 2-бетда).

Қишлоқ—шаҳарга

Тошкентликлар дастурхонига

ТОШКЕНТ РАЙОНИ ДЕҲҚОНЛАРИ РЕСПУБЛИКА ПОЙТАХТИ АҲОЛИСИНИ САБЗАВОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАШ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШГА ЎЗ ҲИССАЛАРИНИ ҚЎШМОҚДАЛАР. УЛАР ПАРНИКЛАРДА ПЛЁНКА ОСТИДА САБЗИ, ЛАВЛАГИ ВА БОШҚА ДАЛА НЕЪМАТЛАРИНИ ҚИШ ДАВРИДА ЕТИШТИРИШНИ ПОТОК УСУЛДА БИРИНЧИ МАРТА ЙЎЛГА ҚЎЙДИЛАР.

Тошкентлик сабзавоткорлар бу йилги мўътадил қиш кунларининг ҳар биридан тўла фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Район хўжаликларида целлофан плёнка остида ўсаётган укроп, петрушка, кўк пиёзларни кўриш мумкин. Теплицаларда эса бодринг ва помидорларнинг янги ҳосили пишиб етилмоқда.

Сабзавот ва ошкўклар катта меҳр ва меҳнат эвазига етиштирилянти. Бунга иссиқ об-ҳаво ҳам қулай шароит яратмоқда. Лекин қишнинг инжиқларига ҳамиша тайёр туриш керак. Шунинг учун дала меҳнаткашлари тошкентликлар дастурхонига дала неъматларини бутун йил давомида муттасил етказиб бериш резервларини қидирмоқдалар. Бунда, албатта, ташаббускорлик, пухта билим, тажриба қўл келади.

(Давоми 2-бетда).

ЭЗГУ МАҚСАД РУҲИДА

БУГУН ЭРТАЛАБ РЕСПУБЛИКА ПОЙТАХТИНИНГ МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА БЎЛИБ ЎТГАН МИТИНГЛАРДА ТОШКЕНТЛИКЛАР КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ БАЁНОТИДА ИФОДА ЭТИЛГАН ТИНЧЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАДИЛАР ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИЛАР.

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлган митингни корхона партия комитети секретари Х. Н. Шагиев очди. Митингда бирлашма бош директори И. Х. Мусин, 31-механика-йиғув цехи катта мастери А. В. Евсиков, 18-цех созловчиси М. А. Тешабоев, 27-асбобсозлик-штамповка цехи чархловчиси Б. Т. Ўрозбоев меҳнат коллективларининг номидан гапириб, КПСС ва Совет давлатининг тинчлик ташаббусларини тўла қўллаб-қувватлаётганликлари, бу эзгу ниятни КПСС XXVII съезди шарафига зарбдор меҳнат билан мустаҳкамлашга, коммунистлар улкан анжумани шарафига социалистик мажбуриятларини муваффақият билан бажаришга бахш қилажакларини билдирдилар.

— Биз бугун эрталаб меҳнатдаги ўртоқларимиз билан ер курраси да барқарор тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббус ифодаланган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёнотини зўр қониқиш билан ўқидик, — деди созловчи М. Тешабоев. Баёнотда айтилишича, тинчлик ва қуролсизланиш йўли КПСС билан Совет давлати ташқи сиёсатининг ўзаги бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бизнинг коллективимиз ана шу муҳим ҳужжатни бутун дилдан тўла маъқуллайди. Менинг ўзим тинчлик ташаббусидан илҳомланиб ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили дастлабки икки ойи планини СССР XXVII съезди очиладиган кунгача бажариш мажбуриятини олдим.

Корхона меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёнотини қўллаб-қувватловчи Резолюция қабул қилдилар.

***

Эрталаб 7.30. Электр-аппарат цехининг ишлаб чиқариш майдони гавжум — Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводининг салкам 850 ишчиси, инженер-техник ходими ва хизматчиси митингга тўпланишган.

Минбарда — электрослесарь, уруш ва меҳнат ветерани Юрий Александрович Тарасенко:

— Биз, электр-аппарат цехи ишчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёнотини қизғин, сидқидилдан қўллаб-қувватлаймиз, Коммунистик партиянинг ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги сиёсатини маъқуллаймиз.

Коллективимизнинг тинчликсевар ташаббусига жавоби — зарбдор меҳнат бўлади. Коммунистик шанбалик ўтказиш ва ишлаб топилган пулни Тинчлик фондига ўтказиш ҳақида таклиф киритаман, — деди Ю. Тарасенко.

Тепловоз-йиғув цехи комплекс бригадасининг бригадири К. Қорабоев, комплектлаш ремонт цехи бошлиғи Ю. Ометов, ишлаб чиқариш-диспетчерлик бўлими бошлиғининг ўринбосари П. Гнездилов ва бошқалар КПССнинг ақл-заковат, холис ният позицияларида, инсониятнинг урушларсиз, қуролярроқсиз келажагини таъминлаш борасидаги куч-ғайратини маъқуллаётганликларини изҳор этдилар.

Ушбу фикр митингда якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда акс этди. Бу йил 300 та тепловоз секциясини қайта тиклаш, коммунистик шанбалик ўтказиш ва ишлаб топилган пулни Тинчлик фондига ўтказишга қарор қилинди.

***

Тошкент тўқимачилик комбинатининг минглаб меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёноти маъқулланган митингда қатнашдилар. Уларнинг нутқларида КПССнинг қуролсизланиш бўйича тинчлик ташаббуслари, бутун дунёда ядро қуролини батамом тугатиш бўйича программаси якдиллик билан қўллаб-қувватланди ва тўла маъқулланди. Ўзбекистон меҳнаткашлари Халқаро тинчлик учун касаба союз ҳаракати кунида фаол қатнашдилар. 1986 йил — Халқаро тинчлик йилининг бошланишини актив бунёдкорлик меҳнати билан кутиб олдилар.

— Биз ўзимиз ва келгуси авлодлар учун тинчлик бўлишини истаймиз. Инсоният икки мингинчи йилни тинч осмон остида кутиб олишга қаратилган, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёнотида акс эттирилган янги ташқи сиёсий ташаббусларнинг таклиф этилаётган комплексини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Ўз меҳнатимизни, КПСС XXVII съезди шарафига олинган мажбуриятларимизни ана шу мақсадга бағишлаймиз. Шундай фикрлар сифат назоратчиси М. Авезова, пардозлаш фабрикаси электриги, уруш ва меҳнат ветерани С. Г. Калинин, пардозлаш фабрикаси директори Е. В. Трофимовнинг нутқларида жаранглади.

Митинг қатнашчилари барча совет кишиларининг Ерни термоядро уруши ёнғинидан сақлаш, жаҳонда тинчликни асрашга бўлган қатъиятни изҳор этдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ М. С. ГОРБАЧЕВ ИНИНГ БАЁНОТИ

(Бошы биринчи бетда).

СССР ядро портлатишларини тўхтатиш тадбири икки томонлама, сўнгра эса кўп томонлама тадбир бўлиб қолишининг қатъий тарафдоридир. Биз ядро қуроли синовларини ёппасига ва батамом тақиқлаш тўғрисида уч томонлама (СССР, АҚШ ва Англия иштирокида) музокараларнинг яна бошланишига ҳам тарафдормиз. Бунга дарҳол, шу ойнинг ўзидаёқ киришиш мумкин бўлур эди. Биз қуролсизланишга оид Женева конференцияси доирасида синовларни тақиқлаш тўғрисидаги кўп томонлама музокараларни тезлик билан бошлашга ҳам тайёрмиз. Бу музокараларда ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар қатнашган бўлур эди. Қўшилмаган мамлакатлар атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида 1963 йилги Москва Шартномасини эндиликда шу Шартнома қамраб олмаган Ер ости синовларига ҳам ёйиш мақсадида маслаҳатлашувлар ўтказишни таклиф қилмоқдалар. Совет Иттифоқи бунга ҳам қўшилади.

Ўтган йилнинг ёзидан буён биз Қўшма Штатларни биздан ўрнак олишга — ядро портлатишларини тўхтатишга даъват этиб келмоқдамиз. Жамоатчиликнинг норозиликлари ва талабларига, жаҳондаги кўпчилик давлатларнинг хоҳиш-иродасига қарамай, Вашингтон ҳали ҳам бундай қилгани йўқ. Америка томони тобора янги ядро қурилмаларини портлатиб, қарбий устунлик тўғрисидаги хом хаёл кетидан қувишни давом эттирмоқда. Бу — беҳуда ва хатарли сиёсатдир. Ҳозирги жамият эришган цивилизация даражасига номуносиб сиёсатдир.

АҚШ ижобий жавоб бермаганлиги сабабли совет томони 1986 йилнинг 1 январидан бошлабоқ ядро синовларини яна давом эттириш учун тўла ҳуқуққа эга эди. Қурол-ланиш пойгасининг одатдаги «мантиқига» амал қилинган тақдирда афтидан шундай қилиш керак ҳам эди.

Бироқ ҳамма гап шундаки, айни шундай бўлмаҳур мантиққа қатъиян барҳам бериш лозим. Биз бу йўналишда яна бир бор урониб кўрмоқдамиз. Акс ҳолда қарбий рақобат жараёни кўчкига айланиб кетиб, ўшанда воқеаларнинг ривожи устидан ҳар қандай контроллик қилишнинг сира ҳам имкони қолмайди. Ўзини ядровий қуролланиш пойгаси стихиясига бўйсундиришга йўл қўйиб бўлмайди. Бу ҳол ақл-идрок овозига, инсоннинг ўзини ўзи сақлаб қолиш туйғусига хилоф равишда ҳаракат қилишни билдирган бўлур эди. Янги, дадил ёндашувлар, янгича сиёсий фикрлаш, халқлар тақдири учун масъулиятни ўткир ҳис этиш талаб қилинади.

Америка маъмурияти бизнинг ядро портлатишларини тўхтатиш тўғрисидаги таклифларимиз хусусида тузукроқ ўйлаб кўриб, уларга ижобий жавоб қайтариши учун яна қўшимча вақт бор. Дунёнинг ҳамма жойида Вашингтоннинг айни шундай иш тутишини кутадилар.

Совет Иттифоқи АҚШ президентига ва конгрессига, Америка халқига даъват билан мурожаат қилади. Ядро қуролларини такомиллаштириш ва мана шундай янги қуролларни пишиқлаштириш жараёнини тўхтатиш имконияти мавжуд. Шу имконият қўлдан бой берилмаслиги керак. Совет таклифлари СССР билан АҚШни тенг ҳолатга қўяди. Бу таклифларда иккинчи томонга панд бериш ёки уни доғда қолдиришга уриниш йўқ. Биз қиролна масъулиятли қарорларга келиш йўлига киришни таклиф қиляпмиз.

III.

Ядро аслаҳахоналарини қисқартириш ва тугатиш программасини рўёбга чиқариш учун музокараларнинг жамики мавжуд системасини ҳаракатга келтириш, қуролсизланиш механизмларининг имкони борича юксак фойдали ҳаракат коэффициентини таъминлаш лозим.

Яқинда Женевада ядровий ва космик қуроллар юзасидан Совет-Америка музокаралари яна бошланади. Ўтган йил ноябрида Женевада президент Р. Рейган билан учрашув вақтида биз шу музокараларнинг мавзуи бўлган барча проблемалар хусусида, яъни космос хусусида, стратегик ҳужум қуроллари хусусида, ўртача олислик ядровий воситалари хусусида ошкора гаплашиб олган эдик. Музокараларни жадаллаштиришга қарор берилган эди, мана шу аҳднома қуруқ гап бўлиб қолавериши мумкин эмас.

Совет делегацияси Женевада шу аҳдномага қатъий мувофиқ равишда иш тутиш ҳақида кўрсатма олади. Биз Америка томонининг ҳам, айниқса космос масаласида мана шундай амалий ёндашувини кутамиз. Космос тинч сақлаб қолиниши керак, у ерда зарбдор қуроллар жойлаштирилмаслиги керак. Бундай қуроллар яратилмаслиги ҳам керак. Бу ишда жуда қатъий контрол ўрнатиладиган бўлсин, тегишли лабораторияларни назорат учун очиб қўйиш ҳам шу жумлага кирадиган бўлсин.

Инсоният космик даврнинг масъулиятли босқичида турибди. Модомики шундай экан, тош асридагидек фикрлашдан воз кечиш пайти келди, у даврда эса каттароқ таёққа ёки залворлироқ тошга эга бўлиб олишдан каттароқ ташвиш бўлмаган эди. Биз космосда қурол бўлишига қаршимиз. Агар бизни мажбур этсалар, бизнинг моддий ва интеллектуал имкониятимиз Совет Иттифоқининг ҳар қандай қуролни яратиш имкониятини таъминлай олади. Аммо биз ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги бутун масъулиятни англаб турибмиз. Бизнинг қатъий эътиқодимиз шуки, учинчи минг йилликка «самовий урушлар» программаси билан эмас, балки бутун инсониятнинг кучлари ёрдамида космосни тинч ўзлаштиришнинг кенг миқёсли лойиҳалари билан бормоқ керак. Биз шундай лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни рўёбга чиқариш билан амалий равишда шуғулланишни таклиф этамиз. Бу — бутун планетамизда тараққиётни таъминлашнинг ва ҳамма учун пишиқ-пухта ҳавфсизлик системасини вужудга келтиришнинг энг муҳим йўлларидан биридир.

Қуролланиш пойгаси космосга ёйилишига йўл қўймаслик — ядро қуролларини тубдан қисқартириш йўлидаги тўсиқни олиб ташлаш демакдир. СССР билан АҚШнинг тегишли ядро қуролларини икки ҳисса қисқартириш тўғрисидаги Совет таклифи Женевадаги музокаралар столида турибди, бундай қилиш ядро қуролини батамом тугатиш йўлидаги муҳим қадам бўлур эди. Космос муаммосини ҳал этиш йўлини беркитиб қўйиш эса Ердаги қуролланиш пойгасини тўхтатишни хоҳламаслик демакдир. Бу гапни очиқдан очиқ ва баралла айтмоқ керак. Ядровий қуролланиш пойгасининг тарафдорлари «самовий урушлар» программасининг ҳам ашаддий тарафдорлари эканлиги тасодифий ҳол эмас. Бу — одамларнинг манфаатларига душманликдан иборат бўлган битта сиёсатнинг икки жиҳатидир.

Ядро қуроли муаммосининг Европадаги жиҳати ҳақида. Соғлом ақл-идрок далилларига хилоф равишда, Европа халқларининг миллий манфаатларига зид равишда Ғарбий Европанинг баъзи мамлакатларида Американинг биринчи бўлиб зарба урадиган ракеталарини жойлаштириш давом этаётганлиги ҳаддан ташқари ташвиш туғдирмоқда. Бу муаммо неча йиллардан бери муҳокама қилинмоқда. Шу йиллар давомида эса Европадаги ҳавфсизлик шароити тобора ёмонлашиб бормоқда.

Воқеаларнинг шу йўлдан ривожланишига барҳам бериш, бу мушкул аҳволнинг тугунини парчалаб ташлаш пайти келди. Совет Иттифоқи Европани ҳам ўртача олислик, ҳам тактик ядро қуролидан халос этишни кўпдан бери таклиф қилиб келмоқда. Бу таклиф ўз кучида турибди. Бу йўлдаги биринчи, туб қадам сифатида биз ҳозир ҳам, юқорида айтганимдек, биз ўртага қўяётган программанинг биринчи босқичидаёқ СССР билан АҚШнинг Европа зонасидаги ҳамма баллистик ва ўртача олислик қанотли ракеталарини йўқ қилиб ташлашни таклиф қиламиз.

Женева музокараларида аниқ-равшан кўрониб турган натижаларга эришиш ядро қуролини 2000 йилгача батамом тугатишнинг биз таклиф қилаётган программасини салмоқли моддий мазмун билан тўлдиришни билдирган бўлур эди.

IV.

Совет Иттифоқи химиявий қурол каби ваҳшиёна оммавий қирғин қуролини ҳам шу асрдаёқ батамом тугатишни мутлақо реал вазифа деб ҳисоблайди.

Қуролсизланишга бағишланган Женева конференцияси доирасида химиявий қурол юзасидан ўтказилаётган музокараларда кейинги вақтларда олға томон муайян силжиш бошланди. Аммо бу музокаралар йўл қўйиб бўлмайдиган даражада чўзилиб кетди. Биз, Женевада АҚШ президенти Р. Рейган билан шартлашиб олинганидек, химиявий қуролни тақиқлаш ҳамда бу қуролнинг мавжуд запасларини йўқ қилиб ташлаш тўғрисида самарали ва контрол қилса бўладиган халқаро конвенция тузишга доир музокараларни жадаллаштириш тарафдоримиз.

Қуролсизланишнинг бошқа масалаларида бўлганидек, химиявий қуролни тақиқлаш ишида ҳам музокараларнинг барча қатнашчиларидан ишга сергак назар ташлаш талаб қилинади. Совет Иттифоқи бу қуролни ва уни тайёрлаш учун саноат базасининг ўзини тезроқ батамом тугатиш тарафдори эканини жуда аниқ-равшан қилиб таъкидламоқчиман. Биз химиявий қурол ишлаб чиқарадиган корхоналар жойлашган ерлар ўз вақтида эълон қилинишини ва бу қуролни ишлаб чиқариш тўхтатилишини таъминлашга, тегишли ишлаб чиқариш базасини йўқ қилиб ташлаш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқишни бошлашга, шунингдек конвенция кучга кирганидан кейин тез орада химиявий қурол запасларини тугатишга киришишга тайёрмиз. Бу ишларнинг ҳаммаси қатъий контрол остида, шу жумладан, жойларда халқаро текшириш ўтказиш йўли билан амалга оширилган бўлур эди.

Баъзи бир оралиқ тадбирлари ҳам муаммони тубдан ҳал этишга кўмаклашган бўлур эди. Масалан, химиявий қуролни ҳеч кимга бермаслик тўғрисида ва уни бошқа давлатларнинг территориясида жойлаштирмаслик ҳақида кўп томонлама асосда шартлашиб олиш мумкин бўлур эди. Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, у ўзининг амалий сиёсатида доимо шу принципларга қатъий риоя қилиб келди. Биз бошқа давлатларни ҳам шундай қилишга ва мана шундай тийилиб туришга даъват этамиз.

V.

Давлатларнинг аслаҳахоналаридан оммавий қирғин қуролини йўқ қилиб ташлаш билан бирга Совет Иттифоқи оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучларни ўзаро келишиб қисқартиришни таклиф этади.

Вена музокараларида аҳдномага эришиш бу йўлда ҳаракат қила бошлаш учун сигнал бўлур эди. Ҳозир Европа марказидаги Совет ва Америка қўшинларини қисқартириш ҳамда бир-бирига қарама-қарши турган гуруҳларнинг қуролли кучлари даражасини кейинчалик кўпайтирмаслик тўғрисида эҳтимол тутилган қарорнинг қиёфаси равшанлаша бошлагандек бўлиб турибди. Совет Иттифоқи, бизнинг Варшава Шартномасидаги иттифоқчиларимиз Вена музокараларида муваффақиятга эришишга азму қарор берганлар. Башарти иккинчи томон ҳам ҳақиқатан шунга интилса, у ҳолда 1986 йил Венадаги музокаралар учун ҳам унутилмас босқич бўлиб қолур эди. Биз қўшинларни қисқартириш тўғрисида эҳтимол тутилган аҳднома, табиийки, оқилона контролни талаб қилишига асосланамиз. Ва биз шунга тайёрмиз. Қўшинларнинг сонини кўпайтирмаслик тўғрисидаги мажбуриятга риоя этишга келганда, миллий техникавий воситаларга қўшимча равишда қисқариш зонасига ҳар қандай ҳарбий қисмларнинг кириши устидан контрол қилувчи доимий ишлайдиган пунктларни ўрнатиш мумкин бўлур эди.

Энди Европада ишончни, ҳавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирларига ва қуролсизланишга бағишланган Стокгольм конференциясидек муҳим анжуман ҳақида. Бу конференция ҳоҳ қуруқликда, ҳоҳ денгизда ёки осмонда куч ишлатилиши ва урушга пинҳона тайёргарлик кўрилиши йўлига тўсиқлар қўйилишини таъминлаши лозим. Бунинг учун имкониятлар борлиги кўриниб турибди.

Бизнинг фикримизча, айниқса ҳозирги вазиятда йирик ҳарбий машқларда қатнашувчи қўшинлар сонининг даражасини камайтириш лозим, бундай машқлар ўтказилиши ҳақида Хельсинки Якунловчи актига мувофиқ хабардор қилиб туриш зарур.

Конференцияда ҳал этилмаган муаммоларни ечишга самарали равишда киришиш пайти келди. Қуруқликдаги қўшинлар, флот ва авиациянинг йирик машқлари ўтказилиши хусусида олдиндан хабардор қилиш тўғрисидаги масала бу конференциядаги энг танг жой бўлиб турганлиги маълум. Бу — жиддий муаммолардир, албатта, шу муаммоларни асосли равишда, Европада ишончни ошириш манфаатларини кўзлаб ҳал қилиш керак. Бироқ модомики, ҳозирча бу муаммоларни комплекс тарзда ҳал этишга муваффақ бўлинмаса, уларни қисмма-қисм ҳал этиш йўлларини изласа бўлмайдими? Айтайлик, ҳозир қуруқликдаги қўшинлар ва ҳарбий ҳаво кучларининг йирик машқлари ўтказилиши тўғрисида олдиндан хабардор қилиш ҳақида аҳдлашиб олинса-ю, ҳарбий-денгиз фаолияти тўғрисидаги масалани конференциянинг навбатдаги босқичига қолдирилса деймиз.

Янги совет ташаббусларининг анчагина қисми бевосита Европага қаратилганлиги мутлақо тасодиф эмас. Тинчлик сиёсати сари туб бурилиш ясаганда, Европанинг улушига алоҳида вазифа тушган бўлур эди. Кескинликни юмшатишни янгидан бошлаш мана шундай вазифа бўлур эди.

Бунинг учун Европада зарур, кўпинча ноёб тарихий тажриба бор. Шуни эслаш кифояки, Хельсинки Якунловчи акти европаликларнинг, АҚШ ва Канаданинг умумий куч-ғайратлари билан ишлаб чиқилган эди. Тинчлик, ҳамкорлик ва халқаро ишонч проблемаларига ёндашишда янгича фикрлаш ва сиёсий психологиянинг конкрет, яққол мисоли керак бўлса, бу тарихий ҳужжат кўп жиҳатдан мана шундай мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

VI.

Осиёда ҳавфсизликни таъминлаш Осиёдаги энг катта давлатлардан бири бўлмиш Совет Иттифоқи учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эгадир. Шу асрнинг охиригача ядровий ва химиявий қуролни тугатишнинг Совет программаси Осиё қитъаси халқларининг қайфиятларига мос бўлиб тушади, тинчлик ва ҳавфсизлик проблемалари Осиё халқлари учун ҳам Европа халқлари учун бўлганидек кескин бўлиб турибди. Япония, унинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари ядро бомбардимонларининг қурбони бўлганини, Вьетнамда эса химиявий қурол ишлатилганини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Биз Осиё социалистик мамлакатлари, Ҳиндистон, қўшилмаслик ҳаракатининг бошқа қатнашчилари кўтариб чиқаётган амалий ташаббусларни юксак қадрлаймиз. Осиё қитъасида жойлашган иккала ядровий давлат — СССР билан ХХР ўз зиммаларига ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятини олганликларига катта аҳамият берамиз.

Программамизнинг амалга оширилиши Осиёдаги вазиятни тубдан ўзгартирган бўлур эди, Ер куррасининг шу қисми халқларини ҳам ядровий ва химиявий уруш ҳавфи олдидан даҳшатга тушишдан халос қилган бўлур эди, бу региондаги ҳавфсизликни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарган бўлур эди.

Биз ўз программамизни Осиёда ҳавфсизлик ва мустаҳкам тинчлик системасини вужудга келтиришга умумий комплекс ёндашиш йўлларини қитъадаги барча мамлакатлар билан биргаликда қидириш ишига қўшилган ҳисса деб биламиз.

VII.

Бизнинг янги таклифларимиз бутун дунёга қаратилган. Қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қурол-яроғларни қисқартириш соҳасида актив қадамларга ўтиш тобора кескинлашиб бораётган ялпи муаммоларни — инсон яшайдиган муҳитнинг бузилиши, янги энергия манбаларини қидириб топиш зарурлиги, иқтисодий қолоқликка, очликка ва касалликларга қарши кураш муаммоларини ҳал қилиш учун ҳам зарур шарт-шароит яратади. Милитаризм тиқиштирган принцип — ривожланиш ўрнига қуролланишнинг акси — ривожланиш учун қуролсизланиш принципига ўтиш керак. Ҳозир ўнлаб мамлакатлар ва бутун-бутун қитъаларни бўғиб турган триллионли қарз сиртмоғи — қуролланиш пойгасининг бевосита оқибатидир. Ривожланаётган давлатлардан ҳар йили ўриб олинаётган икки юз эллик миллиард доллардан ортиқ маблағ — АҚШнинг мислсиз ҳарбий бюджети миқдорига амалда тенг келадиган пулдир. Бу ўз моҳият-эътибори жиҳатидан асло тасодифий ҳол эмас.

Совет Иттифоқи қуролярофларни чеклаш ва қисқартиришнинг ҳар бир тадбири, ядро қуролидан халос бўлиш йўлидаги ҳар бир қадам халқларга кўпроқ ҳавфсизлик келтирибгина қолмай, шу билан бирга одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун кўпроқ маблағ ажратиш имконини берадиган бўлишининг ҳам тарафдоридир. Қолоқликдан қутилишга ва юксак даражада ривожланган саноат мамлакатлари даражасига етиб олишга интилаётган халқлар ўз экономикасини ҳолдан тойдираётган империализмга қарз қарамлигидан халос бўлиш истиқболларини қурол-яроғларни чеклаш ва тугатиш билан, ҳарбий харажатларни қисқартириш билан, ресурсларни социал ва иқтисодий ривожланиш мақсадларига сарфлашга ўтиш билан боғлиқ деб билаётганликлари тасодиф эмас. Бу мавзу қуролсизланиш ва ривожланишга бағишлаб шу ёзда Парижда ўтказиладиган халқаро конференция давомида жуда муҳим ўрин олиши шубҳасиз.

Совет Иттифоқи қуролсизланиш соҳасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши регионал можароларга деб аталган можароларга боғлиқ қилиб қўйилишига қаршидир. Бундай боғлиқ қилиб қўйиш замирида қуролсизланиш йўлидан боришни истамаслик ҳам, шунингдек суверен халқларга ёт иродани ҳамда бир хил мамлакатларнинг бошқа мамлакатлар ҳисобига яшаши, уларнинг табиий, одам ва маънавий ресурсларидан айрим давлатларнинг ёки агрессив гуруҳларнинг худбинлик, жаҳонгирлик мақсадлари йўлида фойдаланишдан иборат бениҳоя адолатсиз шарт-шароитларни қўллаб-қувватлаш имконини берадиган тартибларни тиқиштиришга интилиш ҳам яшириниб ётибди. Совет Иттифоқи бунга қарши курашиб келди ва курашаверади. Совет Иттифоқи халқлар озодлигининг, тинчлик, ҳавфсизликнинг, халқаро ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг изчил тарафдори бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Унинг мақсади — регионал можароларни кучайтириш эмас, балки бундай можароларни коллектив куч-ғайратлар билан одилона негизларда тугатишдан иборат. Бу можаролар қанчалик тез тугатилса, шунчалик яхши бўлади.

Бизнинг давримизда тинчлик ишига садоқат ҳақида кўпдан кўп гаплар айтилмоқда. Аммо тинчлик тирғакларини мустаҳкамлашга қаратилган конкрет ишлар эса етишмаётгани сезилиб турибди. Тинчликсеварлик сўзлари замирида жуда кўпинча урушга тайёргарлик сиёсати, зўравонликка таяниш сиёсати яшаширинб ётибди. Бунинг устига баланд минбарлардан туриб, аслида, ҳозир халқаро муносабатларга хайрли файз қўшиб турган янгилик — «Женева руҳи»ни хаёлдан кўтаришга қаратилган нутқлар ҳам сўзланмоқда. Иш баёнотлар бериш билан чекланмаяпти. Душманлик ва ишончсизликни кескинлаштиришга, кескинликни юмшатишнинг акси бўлмиш мухолифлик вазиятини қайтаданг тиклашга очиқдан очиқ мўлжалланган ҳаракатлар қилинмоқда.

Биз бундай ҳаракат ва фикрлаш тарзининг рад қиламиз. Биз 1986 йил шунчаки тинчлик йилидигина бўлиб қолмай, шу билан бирга ХХ асрни тинчлик ва ядровий қуролсизланиш белгиси остида тугаллаш имконини беришини ҳам хоҳлаймиз. Биз таклиф этаётганимиз янги ташқи сиёсий ташаббуслар комплекси инсониятнинг 2000 йилни тинч осмон ва космос остида кутиб олишига, у ядровий, химиявий ёки бошқа ҳар қандай қуруролдан қутилиш ҳавфи олдидида даҳшатга тушиш нималигини билмаслигига, ўзининг омон қолиши ва инсон зоти давом этишига ишонччи комил бўлишига мўлжалланган.

Ҳозир Совет Иттифоқининг тинчликни ва ҳимоя қилиш ва бутун халқаро вазиятни соғломлаштириш йўлида кўраётган янги, қатъий тадбирлари бизнзнинг ички ва ташқи сиёсатимизнинг жон-тани ва руҳининг, ички сиёсат билан ташқи сиёсасат узвий равишда бирлигининг ифодасидир, Владимир Ильич Ленин таъкидлаган энг муҳим тарихий қонуниятнинг ифодасидир. Улуғ Октябрь Ер курраси узра ҳилпиратган тинчлик, озодлик, инсонпарварлик байроғининг мамлакатимиз янада баланд кўтараётганини бутун дунё аҳли кўриб турибди.

Тинчликни сақлаш ҳақида, инсониятни ядроро уруши хавфидан халос этиш ҳақида гап борганида, беғам ва бепарво кишилар бўлиши мумкин эмас. Бу — ҳамманинг ва ҳар бир кишининг ишидир. Бу ишга кичик ёки капиталистик ёки капиталистик бўлишидан қатъи назар, ҳар бир давлат ҳисса қўшиши муҳимдир. Ҳар бир масъул сиёсий партия, ҳар бир жамоат ташкилоти, ҳар бир инсон бу ишга ҳисса қўшиши керак.

Шу олий мақсадга эришиш учун бутунги куч-ғайратни яхлит қилиб бирлаштиришдан ҳам зарурроқ, олижаноброқ ва инсонпарварроқ вазифа йўқ. Бу вазифани бизнинг авлодимиз кишилари келажак авлодлар зиммасига юкламай, ўзлари ҳал қилишлари лозим. Замоннинг амри мана шу, таъбир жоиз бўлса, у учинчи минг йиллик бошланишигача қолган даврдаги қарорларимиз ва ҳаракатларимиз учун тарихий масъулият залвари мана шу.

Тинчлик ва қуролсизланиш йўли КПССС билан Совет давлати ташқи сиёсатининг ўзаги бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу сиёсатни актив ўтказиб келаётган Совет Иттифоқи ақл-заковат, холислик ниятпозицияларида, инсониятнинг урушларсиз, қуқурол-яроғсиз келажагини таъминлаш учун масъулиятни ананглаш позицияларида туриб иш тутаётган барча кучлар билан кенг миқёсда ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилишгага тайёрдир.

КОЛЛЕКТИВЛАРНИНГ ЮКСАК МАЖБУРИЯТЛАРИ

(Боши 1-бетда).

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи коммунистик шанбаликни юксак меҳнат ва снёсий кўтаринкилик вазнятида ўтказишга аҳд қилди. Шу куни 35 та трактор ишлаб чиқарилади, 400 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади.

«Ташсельмаш» заводининг ишчилари шу куни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишни мўлжалламоқдалар. Февраль ойнинг учинчи шанба куни улар 200 минг сўмлик машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқарадилар.

Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи коллективи шанбалик куни 20 та электр двигателини, 24 жуфт ғилдиракни ремонт қилиб бериш, 2000 дона тормоз колодкаларини, 22 минг тонна пўлат ва рангли металл қуймаларини тайёрлаш, 3 минг сўмлик халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни режалаштирди.

«Малика» трикотаж бирлашмасининг ишчилари шанбаликни янги меҳнат муваффақиятлари билан нишонлайдилар. Улар 322 минг сўмлик юқори сифатли буюмларни ишлаб чиқариш, ишлаб топилган 9000 сўмни беш йиллик фондига ўтказиш мажбуриятини олдилар.

«Средазтрансстрой» трестининг 3000 нафар қурувчиси зарбдорларча меҳнат қилади. Улар кундалик топшириқни ортиғи билан адо этиб, ўз кучлари билан 53,6 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарадилар, 9,4 минг сўмни беш йиллик фондига ўтказадилар.

«Главташкентстрой» 159-трести қурувчилари ҳам шанбалик режаларини белгилаб олдилар. Улар шу куни уй-жойлар қурилишида меҳнат қилиб, 27 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширадилар, 5,4 минг сўмни ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказадилар.

Марказлашган усулда юк ташиш Тошкент шаҳар автомобиль трести 2502-автоколоннаси ҳайдовчилари съезд шарафига иқтисод қилинган ёнилғи-мойлаш материаллари ҳисобига ишлаш, қўшимча 0,5 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташиб бериш мажбуриятини олдилар.

«Қизил шанбалик»ни идеологик таъминлаш воситалари ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Район партия комитетлари, шаҳар корхоналари ва қурилишлари, илмий-тадқиқот институтлари, транспорт ва хизмат кўрсатиш корхоналари, муассаса ва ташкилотлар бошланғич партия ташкилотларининг вазифаси коллективларнинг 1986 йил 15 февралда коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйишдан иборатдир.

Жойларда ташкил этилган штаблар меҳнаткашлар шу куни ўз иш жойларида қабул қилинган мажбуриятларга мувофиқ смена топшириқларини бажарибгина қолмай, ортиғи билан адо этишлари, энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишлари, одатдаги иш кунидагидан кўп маҳсулот ишлаб чиқариш учун корхоналарни хом ашё, материаллар, ёнилғи ва электр энергия билан таъминланишини қатъий назорат остига олишлари лозим.

Қурувчилар учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича тадбирларни кўриш, моддий-техника ва ишчи ресурсларини энг муҳим халқ хўжалиги қурилишларига, социал-маиший объектларга сафарбар этиш зарур. Шанбалик қатнашчиларига савдо, маиший ва маданий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа воситалари, мактабгача тарбия муассасаларининг аниқ ишлашини ташкил этиш керак.

Бўлажак шанбалик совет кишилари ватанпарварлигининг ёрқин ифодаси, съезд-олди мажбуриятлари, 1986 йилга мўлжалланган иқтисодий ва социал ривожланиш планларининг ортиғи билан бажарилишига қўшилган муҳим ҳисса бўлади.

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ШАРТНОМАСИ

Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикасининг халқлари СССР билан МХР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Шартнома имзоланганлигининг қирқ йиллигини иккала қардош мамлакат ҳаётидаги шонли сана сифатида нишонламоқдалар. 15 январь куни Тошкентдаги абразив комбинатида ана шу санага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Маълумки, комбинат меҳнаткашлари Совет—Монгол дўстлиги жамиятининг коллектив аъзосидир. Йиғилиш қатнашчилари социал-иқтисодий ўзгаришларда қардош халқ қўлга киритган ютуқлар тўғрисида, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга Ўзбекистон ССР қўшаётган ҳисса ҳақида гапириб, социалистик жамият қуришда монгол қардошларга янги-янги муваффақиятлар тиладилар.

Йиғилишда МХРнинг Тошкентдаги Бош консулхонаси вице-консули О. Бямбаа ҳозир бўлди. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

(Боши 1-бетда).

Карл Маркс номидаги колхоз меҳнаткашлари жонбозлик кўрсатиб ишлашяпти. Хўжаликнинг экин майдонлари Юнусобод массивидаги кўп қаватли турар жой бинолари ёнида Ҳалқа йўли бўйлаб жойлашган. Шунинг учун ҳам тошкентликларнинг деҳқонларни гоҳ ерга ишлов бераётган, гоҳ ҳосилни йиғаётган, гоҳ ерни шудгорлаётган пайтда кўришлари одат бўлиб қолган.

Ҳозир ерларнинг бир қисми целлофан плёнка билан қопланган. Плёнка остида ўсимликлар яшнаб ривожланмоқда. Қишда эртанги сабзавот ва ошкўкларни етиштиришнинг бу усули Жўра Раҳбаров етакчилик қилаётган иккинчи бригадада омилкорлик билан қўлланилмоқда. Бригада аъзолари бир неча йилдан буён ана шу усулни қўллаб яхши натижаларга эришмоқдалар. Коллективнинг илғор тажрибасини бошқа бригадалар ҳам қўллашмоқда. Шу боисдан целлофан билан қопланган майдонлар йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Ҳозир саримсоқ пиёз, редиска, сабзи сингари сабзавотлар, турли хил ошкўклар ана шу усулда етиштирляпти. Тез кунларда улар тошкентликлар дастурхонига етказиб берилади.

Карл Маркс номидаги колхоз сабзавоткорлари ўтган йили Киров районидаги магазинларга 400 тонна сабзавот, 1500 тонна картошка етказиб беришди. Бу йил улар зиммаларига оширилган мажбурият қабул қилдилар. Унда маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, қишлоқ хўжалик экинлари сифатини яхшилаш ва хилини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилган.



Тошкент районининг меҳнаткашлари 30 гектар майдонда ошкўк етиштиришмоқда. 30 гектар майдон целлофан плёнка билан қопланган. Бу ерларда ҳам ҳосил етиштириляпти. Ўтган йилнинг январь ойида районнинг сабзавоткорлари республикамиз пойтахти аҳолисигага 8 тонна яшил маҳсулот ететказиб беришган бўлса, бу йил 100 тонна ҳосил етказиб беришга аҳд қилишган. Далада меҳнаткашлари ўз режаларини муваффақиятли аммалга оширишмоқда. Шу кунгача қадар улар Тошкентдаги магазинларга 50 тоннага яқин сабзавот ва ошкўк ететказиб беришди.

Тошкент районидидан қайтганимизда қоронғи тушаётган эди. Лекин далаларда сабзавоткорлар меҳнат қилишар, узоқ-узоқдан тракторларнинг шовқини қулоққа эшитилиб турарди. Оддий иш куни давом этяпти.

А. ХАТАМОВ.

СУРАТЛАРДА: Карл Маркс номидаги колхознинг иккинчи бригадаси далаларида ошкўкларни йиғиш давом этмоқда; целлофан плёнка остида эртанги сасабзавотлар етишмоқда.

О. Шемаков фотолари.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ ДАВРА СУҲБАТИ

САМАРАЛИ ВА СИФАТЛИ МЕҲНАТ ҚИЛАЙЛИК

Ечимини кутаётган муаммолар

В. ФРОШГЕЙЗЕР,

«Компрессор» заводининг директори.

КОРХОНАНИ техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш беш йиллик ва йиллик планларга мувофиқ олиб борилянти. Бироқ КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми талаблари ва ўн иккинчи беш йиллик вазифалари нуқтаи назаридан қарасак, ҳали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 марта оширишимиз, бунга ишчилар сонини кўпайтирмасдан эришишимиз лозим. Барча машиналарни жаҳон стандартлари даражасида тайёрлашимиз керак. Ҳолбуки, олдимизда бир қатор муаммолар ҳал этилмасдан турилибди.

Масалан, фан-техника тараққиёти ютуқларини амалга ошириш суръатларини олиб кўрайлик. Агар «Главташкентстрой» реконструкцияни жадаллаштирганида эди, бунга тезроқ эришган бўлар эди. Агар иш шу алфозда борадиган бўлса, реконструкция муддатида тугаши амри маҳол.

Шу беш йилликдагина 2,7 миллион сўмлик қувватларни ишга тушириш ишлари барбод бўлди.

Биз —буюртмачимиз. Айбимиз шундаки, лойиҳа-смета ҳужжатлари жуда кечикиб ва сифатсиз келмоқда. Бу эса қурилишнинг боришига таъсир кўрсатяпти. Бироқ қурувчилар фақат шу сабабгагина кўра ишларни барбод қилишаётгани ва катта қолоқликка йўл қўйишаётгани йўқ. Жиддий сабаблардан бири шундаки, фикримча, бош пудратчи объектга ёрдамчи пудратчиларни ўз вақтида йиға олмаяпти, ишда изчилликни таъминлай олмаяпти. Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг ёрдамчи пудратчи ташкилотлари мунтазам равишда шартнома мажбуриятлари бажарилишини барбод қилиб келмоқдалар.

РЕКОНСТРУКЦИЯ чўзилаётгани шунга олиб келдики, заводда ишлаб чиқаришни тайёрлаш цехларининг қуввати ўта бўш. Ишлаб чиқаришни тайёрлашни таъминлаш бўйича инженерлик хизмати мутлақо талабга жавоб бермаяпти.

Баъзи институтлар янги кўчма компрессор станцияларини яратиш бўйича ўта қониқарсиз иш олиб борянти. Уларга қарашли айрим илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари бу вазифани бажаришни хавф остига қўймоқда.

Бу ва бошқа муаммоларни бажаришга завод қодир, фақат манфаатдор ташкилотлар қўллаб-қувватлаши зарур.

Хўжалик ҳисобининг тартиб-қоидаси

Г. ЛЮСТЕР,

«Ташметрострой» проходкачиларининг бригада бошлиғи.

ВЛАДИМИР Владимирович ўн иккинчи беш йилликда завод олдида турган муаммоларга тўхталиб ўтди. Уларни ҳал этиш учун **ҳар бир иш жойида масъулиятни, ижодий ташаббускорликни ошириш лозим. Ўн иккинчи беш йилликда белгиланган вазифалар меҳнат коллективларида, цехларда, бригадаларда ҳал этилишини ҳисобга олиб, мен ўзимизни тўлқинлантираётган муаммоларда тўхталиб ўтмоқчиман.**

Мен бошчилик қилаётган бригада ўн йилдан буён ишлаб келяпти. У бир неча бор трест, «Главтоннелметрострой», СССР транспорт қурилиши министрлиги бригадалари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиққан.

Биз беш йиллик топшириғини 1984 йил 1 декабрда адо этдик. Бригада пудратчи усули бунга кўп жиҳатдан ёрдам берди. Коллектив масъулият умумий иш учун кишилар интизомини мустаҳкамлади. Ишчи виждони иш сифатини оширди. Биз бир неча бор ғолиб чиқиб тежамкорлик учун, иш сифати учун мукофотлар олганмиз. Аммо пудратни бажариш учун манфаатдорлик ҳозирча фақат бригадада ва унинг бошлиғида бор, холос. Нега шундай бўляпти? Чунки ҳозирча раҳбарлар ишнинг сўнгги натижаси ва иқтисод бўйича эмас, балки шу усул бўйича ишлаётган бригадалар сони бўйича бригада пудрати ҳақида ҳисоб бермоқдалар. Бу нотўғридир.

Бажарилган пудрат сони ҳақида ҳисоб бермоқ керак. Ана шундадагина икки томонлама масъулият ошади, пудрат бажарилиши учун ҳам раҳбарлар, ҳам бригада масъулиятни ҳис этади. Партия группаси бу масалани ҳал этишни ўз назорати остига олди. Бизда пудрат тежаш ва иш сифатининг ҳақиқий, муҳим омилига айланди.

Ҳозир ҳар бир ходим ўзининг умумий ишдаги ҳиссаси қандай эканлигини яхши ҳис этади. Бригада совети ва меҳнатдаги иштироки коэффициентининг аҳамиятини ҳисобга олганимиз учун шундай бўляпти. Ижро интизомининг роли ошди. Ҳар бир киши топширилган ишни шундай бажаряптики, уни иккинчи бир киши тузатиб ўтирмайди. Коллектив қурилишнинг ҳақиқий хўжайини бўлиб қолди.

БИРИНЧИ январдан бошлаб биз эксперимент бошладик. Коллектив пудратини жорий этдик. Асосан ўрта звено бундан манфаатдор бўлмоқда. Улар умумий ишдаги иштирокига қараб иш ҳақи олаётганликлари учун зўр қизиқиш билан ишлашяпти. Қўл мехнатини механизациялашга эътибор берилянти. Коллективнинг ҳар бир аъзосини планни бажариш учун нималар қилганлиги ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришга даъват этяпти. Чунки бугунги кунда фақат смена нормасини бажариш, прогул қилмаслик камлик қилади, албатта. **Ишга янгича ёндошиш, ижодий активлик кўрсатиш, илғор тажрибалардан фойдаланиш лозим.**

Илғор техника ва технологияни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини янада ошириш бизнинг мақсадимиздир. Ишда бўшашувчанликка бутунлай барҳам бериш лозим. Бунда матбуот сўзининг, «Оқшом»имизнинг роли айниқса юқори бўлмоғи керак,— деб ўйлайман. Ҳозир иш ҳақи катта тарбиявий роль ўйнаяпти. Шунга лойиқ иш қилмасдан иш ҳақи олишга бутунлай барҳам бериш керак.

Ишни шундай йўлга қўйиш лозим: агар тежасанг —мукофот ол, агар ортиқча сарф қилсанг— жарима тўла. Хўжалик ҳисобининг тартиб-қоидаси ана шундай.

Одамлар қувонсин деймиз

Х. АРСЛОНОВА,

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси.

ГЕОРГИЙ Люстер жуда ҳақ гапларни айтди. **Янги беш йилликнинг ҳар бир куни, ҳом ашёнинг ҳар бир килограмми, энергиянинг ҳар бир киловаттсоати, капитал маблағнинг ҳар бир сўмини биз максимал даражада умумий ишимизга хизмат қилдиришимиз лозим.**

Шу йилнинг январидан бошлаб бригадамиз ип-газламадан ва бошқа материалардан хотин-қизлар халатлари тикишга ўтди. Ҳозир аёлларимизга жуда зарур бўлган ана шу буюмлардан ҳар куни 190 та тайёрлаяпмиз. Планни ошириб бажарямиз. Лекин ишларимиздан доимо қониқиш ҳосил қиляпмизми? Йўқ, албатта. Таъминотчилар бизнинг меҳнатимизга ҳамиша ҳам ҳурмат билан қарашмайди. Гоҳида шундай газлама ва бошқа материалларни юборишадики, уни қўлингга ҳам олгинг келмайди. Ахир, кўзни қувонтирмайдиган халатларни ким ҳам харид қилади дейсиз. Ахир, биз бу ерда биринчи йил ишлашимиз бўлмаса. Гоҳида улар менга шундай дейишади: «Опа, сизнинг исмингиз Хурсанд, демак, сиз доимо хурсанд бўлиб юришингиз керак. Бўлар-бўлмас нарсага ранжиманг. Нима материал беришса, ўшандан халат тикаверинг».

Шундай кезларда мен дадамни эслаб кетаман. Дадам фронтдан қайтганларида эсон-омон келгани учун менга Хурсанд деб исм қўйганлар. 1986 йил — Тинчлик йилида шуни алоҳида таъкидлайманки, у ҳозирги бахтли ҳаётимиз учун Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилган эди. «Оқшом»да Тинчлик фондига ўз ҳиссасини қўшаётган меҳнат коллективларининг эзгу ташаббуси ҳақида ёзилган эди. Биз бундай яхши ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

1985 йил бошида бригадамиз меҳнатни ташкил этишнинг янги усулига ўтиб ишлай бошлаган эди. Натижада бригаданинг ҳар бир аъзоси масъулияти ошди. Айниқса иқтисод ва тежамкорликка кўпроқ эътибор бериладиган бўлиб қолди. Электр энергиясидан оқилона фойдаланадиган бўлиб қолдик. Ёрдамчи материалларни тежаб-тергаб сарфлаймиз. Маҳсулот сифатини ошириш учун кичик механизация воситалари жорий этилди. Эски машиналар янгилари билан алмаштирилди. Поток ишлари қайта қуриб чиқилди.

БИЧИШ ва ёрдамчи материаллар сифати устидан назорат кучайтирилди. Айниқса **иш вақтидан оқилона фойдаланишда меҳнатни илмий ташкил этиш ва технологик интизом катта роль ўйнаяпти.**

Цех инженер-техник ходимлари билан ҳамкорликда потогимизда иш жойлари инвентаризация қилинди. Бу эса резервларни аниқлаш имконини берди. Бригадамиз ишлаётган потокда юқори сифатли технологик поток аттестацияга тайёрланяпти. Аттестация 1986 йилнинг февраль ойи охирида бўлади. Бу эса бригадамизга юқори сифатли буюмлар ишлаб чиқариш ва аҳоли талабини янада тўлароқ қондириш имконини беради.

Ҳозир биз планлаштиришнинг янги формасига ўтдик. Маҳсулотнинг муҳим турларини етказиб бериш бўйича планнинг бажарилиши ҳисобга олиняпти. Техника жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирлари тузилди. Уларда янги, замонавий, юқори унумли дастгоҳларни жорий этиш кўзда тутилган. Бу эса меҳнат унумдорлигини ошириш ва тикилаётган буюмларнинг турларини мунтазам янгилаб бориш имконини беради. КПСС XXVII съезди шарафига биз тежалган электр энергияси ва иплар ҳисобига икки кун ишлаб беришга аҳд қилдик.

Дадил хўжалик юритиш ва ташаббус кўрсатиш муҳимлиги тўғрисидаги суҳбатни Каромат Ёқуббоева давом эттирди.

Барча резервлар— ишлаб чиқаришга!

К. ЁҚУББОЕВА,

Тошкент тўқимачилик комбиннатининг тўқувчиси, СССР Олий Советининг депутати.

ТОШКЕНТ тўқимачилари КПСС Марказий Комитетининг апрель ва октябрь (1985 йил) Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида кўпгина ишларни қилдилар. Комбинатда техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни интенсивлаш учун кенг миқёсда кураш олиб борилди. Бир йил ичида цехларда 180 га яқин янги машиналар ўрнатилди ва ишга туширилди. Корхона рационализаторлари ишлаб чиқаришга юзлаб янгиликларни, турли механизмларни жорий этдилар.

Марказий илмий-тадқиқот лабораторияси технологик жараёнга ўнлаб ўзгартишлар киритди. Бу эса фаннинг кўпгина ютуқларидан фойдаланиш имконини берди. НОТ лабораторияси ҳал қилувчи участкаларда меҳнат шароитини такомиллаштирди. Уларнинг ҳаммаси эса ишлаб чиқаришнинг анчагина резервларини аниқлаш имконини берди. Бу резервлардан йигирувчиларимиз ҳам фойдаландилар. Кўп станокчилик ҳаракати кенг тус олди. Йигирувчиларнинг 86,7 проценти, тўқувчиларнинг 84,1 проценти ва тикув ишлаб чиқаришининг барча мастер ёрдамчилари бугунги кунда техникага хизмат кўрсатиш бўйича тармоқ зонасида белгиланганидан кўпроқ меҳнат қилмоқдалар.

МЕНИНГ ўзим ҳам иш зонасини бир неча марта кенгайтирдим. Малмали учун тармоқ нормаси бўйича 18 та дастгоҳга хизмат кўрсатиш керак бўлса, мен ўтган йили 42 станокга хизмат қила бошладим. Бултур эса 48 станокка хизмат қила бошладим. Бу эса декабрь охирига келиб, икки беш йиллик топшириғини бажаришимга имкон берди. Бу маррага биринчиларидан бўлиб мастер ёрдамчиси Сирожиддин Пўлатов эришди. У 50 та ўрнига 96 станокка хизмат қилаяпти. Ундан кейин тўқувчи Евгения Александровна Губина келди. У ҳозир 19 та ўрнига 52 та станокка хизмат қилаяпти.

Хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш ва нормаларни мунтазам ошириб бажариш эвазига 194 илғор ишчи, тўрт смена, уч цех коллективи беш йилликни муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.

Машъалларимиз кўрсатаётган намуна резервларни қандай ишга солишлигини яққол кўрсатиб турибди. Айниқса «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида бошланган меҳнат вахтаси социалистик мусобақани кенг тус олдириб юборди. Бригадалар, участкалар, цехлар юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришиш учун астойдил курашмоқдалар. Бутун коллективга ўрнак бўлаётган илғорлар кўп. Уларнинг фидокорона меҳнати ўз самараларини беряпти. 1985 йил маҳсулот реализация қилиш плани 100,7 процент бажарилди. Планга қўшимча 2 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди. Комбинат фабрикалари планга қўшимча бир миллион метрдан зиёд сурп, 51 минг метр нотўқима материаллар етказиб берди.

ИШЛАБ чиқаришни ўстириш учун мусобақа иқтисод ва тежамкорлик учун кураш билан ҳамоҳанг бўляпти. Бу ўсишга меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун кураш кескин кучайтирилгани учун эришилди.

Тўқувчилар қилинган бу ишларга қарамай истеъмолчилар олдида катта қарздор бўлиб қолмоқдалар. Тайёр газламалар ва иплар бўйича топшириқлар йил бўйи бажарилмади. Ҳозир коллектив пардозлаш фабрикасини реконструкция қилишга эришмоқда. Унинг эскирган дастгоҳлари алмаштириляпти. Янги машиналар ажратиляпти. Ип фабрикасида ҳам дастгоҳларни алмаштириш керак. Ўйлаймизки, комбинат эҳтиёжлари ҳисобга олинади. Бизга зарур техника етказиб берилади. Бу эса қолоқ участкаларни илғорлар сафига етказиб олиш имкониятини беради.

Кўп ва соз

Д. АТАМАНОВ,

«Ташсельмаш» заводи электр пайвандчилар бригадасининг бошлиғи.

МЕҲНАТ шароити кишига ишчанлик кайфияти бағишлайди. У ўзининг бутун куч-ғайратини шу ишга сарфлагиси келади, — деб суҳбатни давом эттирди Каромат Ёқуббоевадан кейин Д. Атаманов. У «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида ташаббус бошлаган республика 18 ишлаб чиқариш илғорининг биридир. Иккинчи энг муҳим омил — бу ишга ижодий ёндошишдир. Масалан, бригада усули ана шундай, ҳаёт ўзи рўёбга чиқарган ижодий маҳсулдир. Аввалари бизда участкада бир неча бригада ишлар эди. Биз уларни бирлаштирдик. Бригада усулини жорий этдик. Бу нима берди. Аввало меҳнат интизоми яхшиланди. Топширилган иш учун масъулият ҳисси пайдо бўлди. Ўз маҳоратини оширишга эътибор билан қарашадиган бўлди. Биз ёшларни бир неча ишларни бажара олишга ўргатяпмиз. Чунки бригадада ҳар бир киши зарур ишни қилиб кетавериши керак. Бундан бригада фақат ютади. **Биз шуни яхши тушунамизки, ҳар бир иш жойида жуда катта резервлар бор. Фақат уни топиш ва ишга солиш керак. Бунга ҳам ҳунар, касбни қунт билан ўргангандек ўрганиш керак, албатта. Шунинг учун ҳам биз ҳар бир кишининг ўз малакасини, маҳоратини ошириб боришига эътиборни қаратяпмиз.**

Бригадага янги келган ёшларга мураббийларни бириктириб қўйяпмиз. Масалан, Тамара Васильевна Гусева тажрибали ишчилардан бири ҳисобланади.

КОММУНИСТЛАР бизда алоҳида эътибор бериб ишлашни талаб қиладиган қийин участкаларда ишлашади. Биз шуни ҳисобга оляпмизки, яқин келгусида герметик кабинали такомиллашган пахта териш машиналари ишлаб чиқаришга ўтамиз. Ўшанда қолиплар ўзгаради, мосламалар янги бўлади. Демак, бу биздан янгича маҳорат талаб этади. Инсон ҳамма нарсага қодирдир. Фақат унда топширилган иш учун масъулият ва ишчи виждони бўлмоғи керак. Менинг ўзим қийин участкада ишлайман. Беш йилликни тўрт ярим йилда бажардим. Ўз тажрибамни ишга солиб, ўн иккинчи беш йилликда ҳам янги ютуқларга эришишга ҳаракат қиламан.

Ташаббускор ишчилар

Н. ЛУКАНИНА,

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бўяш цехи партия ташкилотининг секретари.

МЕН кўп йиллардан буён бирлашмада бўёқчи бўлиб ишладим. Ҳозир цехга янги қадам қўйган ёшлар билан ишлаш вазифасий юклатилган. Улар бизнинг келажагимиздир. Бу жуда эътиборни талаб этадиган иш. Ишга янги келган ёшлар топширилган иш учун масъулиятни ҳис этишига, мураббийлардан касб ўрганишларига эътибор беряпмиз. Илғорлар эса кўп. Цехда 50 дан зиёд меҳнат ветерани бор. Улар 20-25 йилдан буён шу корхонада ишлаб келишяпти. Людмила Егоршина, Ольга Помазанова, Тамара Трофимова, Лариса Алексеева ва бошқалардан ёшлар кўп нарса ўрганишлари мумкин. Ишнинг бригада усули ҳам ёшларнинг касб ўрганишига катта ёрдам беряпти.

Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, бригада усулида ишлаётганлар уюшқоқлиги, ижро интизоми билан ажралиб туради. Улар ички имкониятларни ишга солмоқдалар, масъулиятни ҳам юксак даражада ҳис этмоқдалар. Бу эса иш кўрсаткичларининг яхшиланишига таъсир кўрсатяпти.

Бригада усулига ўтмасдан илгари барча бригадаларда ҳам бу борада иш яхши деб бўлмасди. Энди эса бригада усулида ҳамкасбларнинг ўзлари тарбиявий чоралар кўришяпти. Бундай чоралар эса меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонунда белгиланган. Цехнинг бригада совети актив иш олиб боряпти. Бизда интизомни бузиш ҳоллари деярли йўқ.

Съездолди мусобақаси кенг тус олиб кетгани ҳам муваффақиятлар гарови бўляпти. Мамлакат коммунистлари анжумани очиладиган кунгача бизнинг цехимиз икки ойлик планни бажариш мажбуриятини олди. Бирлашмамиз коллективи 1985 йил бўйича авиация тармоғида социалистик мусобақада иккинчи ўринни эгаллади. Биз бунда муносиб ҳиссамиз борлиги билан фахрланамиз.

МЕҲНАТ коллективининг тарбиявий роли айниқса ошяпти. Масалан, интизом ва тартибга риоя қилишни олиб кўрайлик.

РЕДАКЦИЯДАН: «Тошкент оқшоми»нинг давра суҳбатида ўн иккинчи беш йиллик режаларини муваффақиятли бажариш, КПСС XXVII съездини, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олишга ёрдам берувчи— ҳал этилиши лозим бўлган долзарб, актуал масалалар кўтарилди. Унинг қатнашчилари таъкидлашганидек, съездолди мусобақаси кунга-кунга тобора кенг тус олиб боряпти. Бу эса ҳар бир коллективнинг қай даражада сафарбарликка шай, резервларни аниқлаш ва уларни ишга солиш, илғор тажрибаларни кенг ёйишга қодир эканликларининг энг яхши кўрниги ҳисобланади. Иқтисодий ва социал ҳаётни такомиллаштиришнинг кенг миқёсдаги вазифаларини ҳал этиш ташкилотчилик ва идеология ишларини кучайтиришни, партия ташкилотларининг активлиги ва жанговарлигини оширишни қатъиян талаб қилиши қайд этиб ўтилди.

Суҳбат мобайнида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси шаънига ватанпарварлик ташаббусларини кенгроқ пропаганда қилиш, зиммага олган мажбуриятларини муваффақиятли бажараётган меҳнат коллективлари, ишлаб чиқариш илғорларининг энг яхши тажрибаларини конкрет, ёрқин ва ишончли тарзда очиб бериш, самарадорлик ва иш сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштириш, қатъий иқтисод режимини, юксак даражада меҳнат ва давлат интизомини таъминлаш билан боғлиқ мавзуларни янада асосли очиб бериш истагини билдирдилар.

Суҳбатни Ҳ. ИКРОМОВ, Н. ПАНЯКШИНА ёзиб олишди.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЕЗАДИЛАР

Вьетнамда улкан ГЭС

ХОШИМИН. Хошимин шаҳри яқинида Донгнай дарёсида Совет Иттифоқининг ёрдами билан бунёд этилаётган Чиан гидроузелини ҳақли равишда Вьетнам жанубидаги ДнепроГЭС деб аташ мумкин. Бўлажак ГЭС қуввати жиҳатидан урушгача Совет беш йилликлари маҳсули ДнепроГЭСдан бирмунча кичикроқ бўлсада, ВСРнинг бутун жанубини индустрлаш учун ўз аҳамияти жиҳатидан ҳам, белгиланган муддатлари жиҳатидан ҳам улар ўхшашдир.

Бугун энергетиклар ва қурувчиларнинг кўп минг кишилик интернационал коллективи янги меҳнат ғалабасини қўлга киритди. Бўлажак сув омборига муддатидан икки ой илгари сўнгги 25 мингинчи кубметр бетон ётқизилди. Янги йил арафасида монтажчилар 200 километрдан ортиқ узунликдаги юқори вольтли электр линияси қурилиши ниҳоясига етказилганлиги тўғрисида рапорт бердилар.

Чиан ГЭСининг барча тўртта энергоблоки фойдаланишга топширилгандан кейин бу ерда 420 минг киловаттсоат энергия ҳосил қилинадиган бўлади. Бу эса мамлакат жанубида электр энергия ҳосил қилишни икки баравар кўпайтиради. Биринчи блок 1987 йилнинг охирида ток бера бошлайди.

Халқ ғазаби тўлқини

ГАВАНА. Гаитидан олинаётган хабарларга қараганда, Гонаив шаҳрида Дювальенинг қонли диктатурасига қарши ёшлар намойишини тарқатиб юбориш чоғида бир студент ўлдирилган ва бир неча киши ярадор қилинган. Кариб денгизидаги оролда жойлашган Гаити давлатида мамлакат кўпчилик ўқув марказларида қудратли забастовкалар бошланиши натижасида кескин вазият вужудга келди. Кап-Аитьен, Кайес, Гонаив, Пти-Гоав ва бошқа бир қанча шаҳарлардаги ўқув юртларининг аудиториялари бўшаб қолди. Аҳоли ўртасида манфур золимларни ағдариб ташлашга даъват этувчи варақалар тарқатилмоқда. Айни бир пайтда муҳожирликда иш олиб борётган Гаити миллий демократик иттифоқи мамлакат аҳолисини умумий забастовка ўтказишга чақирганлиги маълум бўлди.

Гаитида ўтган йилнинг ноябридан буён халқ ғазаби тўлқини пасаймаяпти. Ушанда диктатура оролда ҳукм сураётган мислсиз қашшоқлик ва ҳақсизликка қарши норозилик билдирган ёшлар намойиши қатнашчиларидан ўч олган эди. Бу намойишларни тарқатиш вақтида армия отрядлари ва полиция намойишчиларга қарата ўт очиб, тўрт кишини ўлдирган ва 12 кишини ярадор қилган, кўп одамларни турмага ташлаган эди.

Ана шу фожиали воқеалардан сўнг бирданига мамлакатдаги бир неча шаҳарда янги намойишлар бошланди. Бу эса Лотин Америкасидаги кузатувчиларга Дювалье авлоди ўз тарихида энг жиддий тангликни бошидан кечирмоқда, деган хулосани чиқаришга имкон берди. Диктатор ҳукумат аъзоларини шошилинч равишда ўзгартира бошлади. Лекин воқеаларнинг ривожланиши ҳукумат аъзоларининг ўзгартиришлари халқнинг оғир аҳволини мутлақо ўзгартирмаганлигини кўрсатди. Ҳукмрон режим террорни авж олдирмоқда.

Оппозициядаги Гаити христиан-демократик партияси бошлиғи Сильвио Клод халқ ғазаби авж олиб кетганлиги ҳақида гапириб, Гаитида қонунсизлик ва репрессияларни тугатишнинг бирдан-бир имконияти— манфур Дювалье режимини ағдариб ташлашдир, деди.

ҲИНДИСТОН ҲУКУМАТИНИНГ МАЖЛИСИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати министрлар кабинети сиёсий ишлар комитетининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида Панжоб чегара штатида вужудга келган аҳволни бартараф этишга оид битимнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Бу битимни ўтган йил ёзда бош министр Р. Ганди билан Акали Дал партиясининг раиси Ҳ. С. Лонговал имзолаган эдилар. Кейинчалик экстремистлар Ҳ. С. Лонговални ёвузларча ўлдирганлар. ПТИ агентлигининг хабар беришича, мажлис қатнашчилари махсус комиссия фаолиятини узайтириш имкониятини кўриб чиқдилар. Комиссия битимда кўзда тутилганидек, ҳозир Панжоб территориясида жойлашган ва аҳолиси кўпроқ ҳинди тилида гапирадиган қишлоқларни Харьяна штатига қўшиш, Чандигарх шаҳрини аксинча, Панжоб штатига бериш хусусидаги тавсияларни тайёрлаб бериши керак.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мажлис чет эллардан қўллаб-қувватланаётган ва Панжоб битимини бажаришни барбод этишга уринаётган яширин Сикх экстремист гуруҳларнинг террорчилик фаолияти кучайган бир пайтда ўтган.

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

Келажак автобуслари

Театр майдонига 101-маршрутда қатновчи автобус келиб тўхтади. Унгги бекат бўлгани учун йўловчилар автобусни бўшатишди. Трактор заводи томон борадиганлар эса машинадан жой олишди. Баъзи йўловчилар бу транспортнинг орқа эшикдан чиқаверишдаги ёзувларга эътибор бериб қўйишарди. Лекин уларнинг кўпчилиги бу янги автобус ўтмишдошидан ажралиб туришини билишармикан. Бундай машиналар бензин билан эмас, газ ёқилғиси билан юради.

Ҳозир шаҳримизда Львов автобус заводида ишлаб чиқарилган янги «ЛАЗ—695 НГ» маркадаги 30 та автобус 24 ва 101-маршрутдаги йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади. Шу йилнинг март ойигача ана шундай машиналардан яна 50 таси олинади.

— Бундай автобус биринчи бор бизнинг шаҳримизда синовдан ўтказилмоқда. Унинг афзаллиги шундаки, — дейди биз билан суҳбатда «Главташпассавтотранс» бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. Аъзамов, — атроф-муҳит анча тоза сақланади, заҳарли моддаларнинг ҳавога чиқиши икки ҳисса камаяди. Шунинг билан бирга бензин ўрнига газ билан юриши ҳисобига ҳар бир автобус бир йилда ўрта ҳисобда давлатга минг сўмдан фойда келтиради.

Суҳбатимизга 2519-автоколоннанинг бош инженери Зокир Ҳакимов қўшилди.

— Бу янги машиналарга одатдагидек 150 от кучига эга бўлган «ЗИЛ» двигатели эмас, балки 180 от кучига эга «Урал» машиналарининг мотори ўрнатилган. Яна шуни айтиш керакки, бизда ёз кунлари ҳаво ҳарорати анча иссиқ бўлган вақтда бундай машиналар ўз афзаллигини яна бир бор намойиш этиши керак.

Бекатга «74—28—ТНЛ» номерли автобус келиб тўхтади. 101-маршрутнинг бригадири А. Каморов йўловчиларни автобусга чиқишга таклиф этар экан, биз уни суҳбатга чорладик.

— Янги машинани синаш кўпинча қийинчилик билан бошланади. Аввалига йигитларимиз унча кўникиша олмади. Мана энди киришиб кетдик. Бригада пудрати усулида ишлаётган 14 ҳайдовчимизнинг ҳаммаси ҳозир маршрутимизда графикка тўла амал қилган ҳолда йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

Шаҳримиз бўйлаб келажак автобуслари аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Тошкент шаҳридаги ёш техниклар клубида мактаб ўқувчилари турли касбларни ўрганишмоқда. Бу ердаги 150 та тўгарак ва секцияларда шаҳардаги мактабларнинг 4-10-синфларида таълим олаётган 3 мингдан ортиқ ўқувчи машғулотларда қатнашаётир. Айниқса СССР спорт мастерлигига номзод Юрий Михайлович Шестаков раҳбарлик қилаётган ёш авиамоделчилар тўгараги ўз атрофига кўплаб ёшларни тўплаган. Бу ерда ўқувчилар ўзлари ясаган авиамоделларни баҳорги мусобақаларга ҳозирламоқдалар.

СУРАТДА: ёш авиамоделчилар.



Шунақаси ҳам бўлади

КЎП ҲАМИША КЎП-ДА

Жаноб Гримберг суд олдида жавоб берарди:

— Айтинг-чи, — деди судья унга қараб, — нега сиз Шулце хонимни трамвайда қўпол сўзлар билан ҳақорат қилдингиз? Сиздек маданиятли бир кишининг ўзига заррача зиёни тегмаган бир аёлни қандай қилиб ҳақорат қилганига сира ақлим етмай турибди.

— Ҳа, жаноб судья, — деди Гримберг оғир нафас олганча, — шунақа бўлиб қолди. Трамвайга чиқиб ўтиришим биланоқ бу аёл менинг қаршимга ўтириб олди. Шу пайт трамвай ҳайдовчиси келиб билет сота бошлади. Бу аёл сумкачасини очиб кармонни олди ва сумкачасини ёпиб, кармонини очди. Ундан бир марка олиб, кармонини ёпди. Сумкачасини очиб, кармонини солди ҳамда сумкачасини ёпиб, пулни ҳайдовчига узатди. Ҳайдовчи унга битта билет бергандан кейин у сумкачасини очиб кармонини олди, сумкачасини ёпиб, кармонини очди. Билетни кармонга солиб уни ёпди ва сумкачасини очиб кармонини унга солди ва сумкачани ёпиб қўйди.

Навбатдаги тўхташ жойида трамвайга билетларни текширадиган контролёр чиқди. Шулце хоним сумкачасини очиб кармонини олди, ундан билетни олиб, кармонни сумкага солди ва сумкачасини ёпиб, билетни контролёрга узатди. Контролёр билетни текшириб кўргач, Шулце хонимга қайтариб берди. Шулце хоним сумкачасини очиб кармонини олди. Сумкачасини ёпиб, кармонини очди, билетни унинг ичига солиб, кармонни ёпди, сумкачасини очиб кармонни унинг ичига солди ва сумкачасини ёпиб қўйди.

Навбатдаги тўхташ жойида мен бу трамвайдан тушиб, бошқасига ўтиришим керак эди. Иккинчи трамвайга чиқиб энди ўтирар эканман, Шулце хоним ҳам лип этиб ёнимда пайдо бўлди. У ҳам мен бораётган томонга кетаётган экан, шекилли. Ҳайдовчи келиб билет текшира бошлади. Шулце хоним сумкачасини очиб, кармонини олди. Сумкачасини ёпиб, кармонини очди. Ундан билетни олиб, кармонни ёпди, сумкачани очиб, кармонни солди ва сумкачани ёпиб билетни ҳайдовчига узатди. Ҳайдовчи билетларни компостер қилиб, яна Шулце хонимга қайтариб берди. У сумкачасини очиб, кармонини олди, сумкачасини ёпиб, кармонини очди ва билетни унинг ичига солгач кармонни ёпиб, сумкачасини очди. Кармонини сумкага солиб, сўнгра уни ёпиб қўйди.

Шу пайтгача чидаб тинглаб келаётган судьянинг тоқати тоқ бўлиб кетди. Оғир бир нафас олиб, сўнгра қичқирди:

— Менга қаранг Гримберг, майнавозчилигингизни бас қиласизми, йўқми? Агар яна бир марта билет текшириладиган бўлса биласизми мен сизни нима қиламан? Одаммисиз, ўзи...

Гримберг ғамгин кўзларини ерга тикканча деди:

— Мана кўряпсизми, жаноб судья. Навбатдаги тўхташ жойида қўлига қизил латта боғлаб олган бир киши трамвайга чиқиб, Шулце хонимдан билетини кўрсатишни талаб қилиб қолса мен нима қилай ахир ?!

Немисчадан Йўлдош ПАРДАЕВ таржимаси.

Изланишлар, кашфиётлар

ЛАЗЕР ҚОННИ ТЕКШИРАДИ

Донорлардан олинган қон махсус эритмаларда сақланади. Бироқ уни узоқ муддат сақлаш мумкин эмас. Унинг муҳим элементи — қон пластинкалари эскиради. Улар диаметри уч микрон, қалинлиги бир микрондан кичикроқ гардиш шаклига эга бўлиб, эскириши давомида шар ҳолатига айланади. Бунда у ўзининг фойдали хусусиятини йўқотиб ивиб қолади.

Яқинда «Резерфорд Эплтон» инглиз лабораторияси тадқиқотчилари қон қуйишдан аввал, бу нозик тўқималарнинг яроқлилигини ҳеч қандай зарар келтирмай аниқлаш усулини топдилар. Қон пластинкалари сақланаётган икки миллиметрли қатламдаги эритма олиниб, лазер нури билан нурлантирилди ва тарқоқ нурларнинг бурчак тақсимланиши аниқланди. Муолажа икки бор — эритма ҳаракатсиз ёки равон оқаётган вақтда ўтказилади. Агар бу ҳолатларда фарқлар сезилари даражада бўлса, пластинкалар ўз хусусиятларини сақлаб қолади. Агар фарқ кичик бўлса пластинкалар эскириб, қон яроқсизлиги маълум бўлади.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/1/1 да Бўрон.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/1/1 да Аризасига кўра.

КИНО

16 ЯНВАРДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«222-РЕЙС» — Санъат саройи (катта зал, 18.30, 20.50; телефонлар 44-21-34, 44-21-44, 44-21-74), **Нукус** (18.30, 20.45; телефон 46-70-69), **Москва** (18, 20, 20.45; телефон 33-05-01), **Қозоғистон** (17, 20.00; телефон 35-24-92).

«ЎЗ КЎЗИНГ БИЛАН КЎР» — Санъат саройи (кичик зал 12, 14.30, 17, 19.30), **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02).

«ЎТА ЁҚИМЛИ ВА МАФТУНКОР» — Ватан (жуфт соатларда, телефон 74-30-38).

«САМРААТ» — ВЛКСМ 30 йиллиги (17, 20.00; телефон 33-44-52).

«ҒАЗАБ КУНИ» — Искра (18, 20.00; телефон 39-14-59).

«ПАРОЛНИ ИККИ КИШИ БИЛАРДИ» — М. Шайхзода номли (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«СЕВГИ ҲАҚИДА АФСОНА» — Чайка (18.30, 21.00; телефон 77-06-20).

17 ЯНВАРДДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«222-РЕЙС» — Санъат саройи (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.50; телефонлар 44-21-34, 44-21-44, 44-21-74), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30 20.45; телефон 46-70-69), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01), **Қозоғистон** (11, 14, 17, 20.00; телефон 35-24-92), **Ватан** (12, 15, 18, 21.00; телефон 74-30-38).

«ЎЗ КЎЗИНГ БИЛАН КЎР» — Санъат саройи (кичик зал 12, 14.30, 17, 19.30), **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02).

«ЎТА ЁҚИМЛИ ВА МАФТУНКОР» — Чайка (тоқ соатларда, телефон 77-06-2-20).

«САМРААТ» — ВЛКСМ 30 йиллиги (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-44-52).

«НАФРАТ КУНИ» — Искра (12.20, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).

«ПАРОЛНИ ИККИ КИШИ БИЛАРДИ» — Мақсуд Шайхзода номли (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

18, 25, 30 ЯНВАРДДА

ПРЕМЬЕРА

Дж. Верди.

«Отелло»

4 пардали опера.

А. БОЙТО либреттосидан.

МУЗИКА РАҲБАРИ ВА ДИРИЖЁР — СССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Д. АБДУРАҲМОНОВА.

ПОСТАНОВКАЧИ РЕЖИССЁР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати Ф. САФАРОВ.

РАССОМ — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР давлат мукофотининг лауреати Г. БРИММ.

Хормейстерлар — Л. ШИЛЬКРУТ, М. ЯНДРИНСКАЯ.

БАЛЕЙМЕЙСТЕР — СССР халқ артисти, СССР давлат мукофоти ва Ҳамза номидагги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати Г. ИЗЗМАЙЛОВА.

Спектакль 18 ва 30 январда соат 19.00 да, 25 январда соат 17.00 да бошланади.

Билетлар театр кассасида сотилмоқда. Справкалар олиш учун телефон 33-90-81.

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

АГАР КИТОБ ЎҚИШНИ ЯХШИ КЎРСАНГИЗ ЎҚУВ ВА МАХСУС АДАБИЁТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ! СЕРИЯЛИ НАШРЛАРДАН КОЛЛЕКЦИЯ ТЎПЛАНГ. «КИТОБ АЛМАШТИРИШ» КЛУБИДА ЎЗ КУТУБХОНАНГИЗНИ ТЎЛДИРИШИНГИЗ МУМКИН. БУ КЛУБ ҲАМИД ОЛИМЖОН НОМЛИ 14-КИТОБ МАГАЗИНИДА ИШЛАЙДИ.

КИТОБ МАГАЗИНИ КЛУБИДАН СИЗ

китобларни алмаштириш, янги адабиётлар ва ноёб нашрлар ҳақида ахборотлар олиш. «Ташкнига»нинг букинистик магазинлари ва бўлимларидаги китоблар ассортименти ҳамда алмаштириш фонди ҳақида маълумотлар олишингиз;

ўзингизга керакли бўлмаган китобни сотишингиз ёки комиссияга топширишингиз;

ёзувчилар ва шоирлар билан, рассомлар, нашриёт ходимлари, шаҳар библиофиллари билан учрашишингиз;

шаҳар китобсеварларининг шахсий тўпламлари, китоб кўргазмалари билан танишишингиз мумкин.

ХОҲЛАГАН КИТОБСЕВАР ЮҚОРИДАГИ ТАДБИРЛАРНИНГ АКТИВ ИШТИРОКЧИСИ БЎЛА ОЛАДИ.

Сизни ҳар ойнинг биринчи ва учинчи шанба куни соат 15дан 19гача қуйидаги адресда кутамиз: Тошкент шаҳри, 2/4 Қорақамиш массиви, 14-магазин (38,59,65,82,56,85, 87-автобуслар; 27-трамвай, 19-маршрутли таксининг «33-поликлиника» бекати).

КИТОБ АЛМАШТИРИШ КЛУБИ 18 ЯНВАРДА 1986 ЙИЛДАГИ ЎЗИНИНГ БИРИНЧИ КЕНГАШИНИ ЎТКАЗАДИ.

«ТАШКНИГА» КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ. КИТОБСЕВАРЛАР ЖАМИЯТИНИНГ ШАҲАР ТАШКИЛОТИ.

ШИНАМ ХОНА ЖИҲОЗЛАРИ

Диван, иккита кресло ва журнал столчаси билан жиҳозланган хона ўзгача қиёфа касб этади.

Бундай хонада дам олиш, мутолаа қилиш, бироз чойхўрлик қилиш мумкин.

«ЧИНОР» ЮМШОҚ МЕБЕЛЛАР ТЕРМАСИ АНА ШУ БУЮМЛАРДАН ИБОРАТ.

Уни «Мебель» фирма магазини (Юнусобод массиви, 8-квартал, 39-уй) **дан сотиб олсангиз бўлади. Телефон 24-87-45.**

«УЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.



САРАНЖОМ-САРИШТА ОШХОНА

Ошхонада озиқ-овқатлар, идиш-товоқлар, ошхона анжомларини тартиб билан жойлаштириш учун МАХСУС МЕБЕЛЛАР керак. Зарур ҳолларда ИХЧАМ ЖАВОНЛАР, ОСМА ШКАФЧАЛАР ҳам ишлатилади. Бундай жиҳозланганда ошхона саранжом-сариштa бўлади.

Силлиқ плиталардан тайёрланган ОШХОНА МЕБЕЛЛАРИ кўркам бўлиб, тор жойда ҳам қулай жойлашади.

Бундай мебеллар Тошкентдаги ошхона мебеллари заводида тайёрланади, шаҳарнинг мебель ва хўжалик моллари магазинларида сотилмоқда. Гарнитур баҳоси 290 сўмдан 330 сўмгача, жавонлар 12 сўм, осма шкафчалар 11 сўмдан 18 сўмгача.

«УЗМЕСТПРОМ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ. (телефон 76-47-11).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

М. Қорнёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси Й. ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ЁШ ТОМОШОБИНЛАР ТЕАТРИ БИНОСИДА

18 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА
19 ЯНВАРЬ СОАТ 16.30 ВА 19.30 ДА

Бутуниттифоқ бадиий коллективлари кўриги конкурсининг лауреати ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ҚИЗЛАРХОН ДУСТМУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти

ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ҒУЛОМЖОН ЁҚУБОВ

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

НАРЗИДДИН ШЕРМАТОВ

Солистлар: ДИЛОРОМ ҚАЮМОВА, ХОТАМ ХОЖИЕВ, РАҲИМА НОСИРОВА, АБДУҚОДИР ЮСУПОВ.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ҚОДИР МУМИНОВ

«ШОДЛИК» ансамблининг музика раҳбари — ИСМАТИЛЛА РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Программани — ЎТКИР СИДДИҚОВ **олиб боради.**

Билетлар театр биносида (Калинин майдони) **соат 14 дан сотилмоқда.**

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

МЕҲНАТ БЎЛИМИ

ОИЛАЛАРНИ ТАШКИЛИЙ РАВИШДА РСФСРнинг КОЛХОЗЛАРИ ВА СОВХОЗЛАРИГА

КЎЧИРАДИ

КЎЧИБ БОРИШЛИК УЧУН МЕҲНАТГА ЯРОҚЛИ КАМИДА 2 АЪЗОСИ БЎЛГАН ОИЛАЛАРГИНА РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ: СОҒЛИҒИ ЖИҲАТДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ЛАЁҚАТЛИ ЭРКАКЛАР— 16 дан 55 ёшгача, аёллар — 16 дан 50 ёшгача.

Ташкилий равишда жўнаб кетаётган оилаларга дастлаб ёрдам пулининг биринчи ярми берилади, йўл ва мол-мулкларни ташиб бориш харажатлари тўланади.

Улар манзилга етиб боришлари заҳоти турар жой, хўжалик бинолари бўлган томорқа ери билан таъминланадилар, уларга уй ҳайвонлари сотиб олишлари учун ссуда (қарз) берилади. Янги ерга кўчиб борганларнинг оилалари 2 йил мобайнида квартира ҳақи ва 8 йил мобайнида қишлоқ хўжалик солиқлари тўлашдан озод қилинади.

ОИЛАЛАРНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН ЖЎНАШИ ҚУЙИДАГИ ВАҚТЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН:

ВОЛГОГРАД ОБЛАСТИГА — **1986 йил 31 январда.**

ТОМСК ОБЛАСТИГА — **1986 йил 26 февралда.**

Ҳужжатларни расмийлаштириш жўнаб кетишдан 10 кун олдин тўхтатилади.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 1-қаватда, 6-хона ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги аҳолини ишга жойлаштириш бюросининг район пунктлари.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

СССР биринчилиги учун

ХОККЕЙ

19-20 январда
«БИНОКОР» (Тошкент) — **«ДИНАМО»** (Минск).
24-25 январда

«БИНОКОР» (Тошкент) — **«ИЖОРЕЦ»** (Ленинград).

Ўйинлар шанба ва якшанба кунлари соат 17.00 да, ишш кунлари соат 18.30 да бошланади.

БИЛЕТЛАР «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИ КАССАЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.

Справкалар олиш учун телефонлар: 46-07-53, 46-68-77 (администратор); 46-03-13, 47-70-31 (касса).

ТВ

ЖУМА, 17. I

● МТ I

9.00 «Время».
9.45 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
10.25 «Иван Бабушкин». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
11.30 «Сенга қўшиқ ҳадя этаман».
12.05 «Орзу чегараси». Бадиий фильм.
13.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Инсон ва табиат». Ҳужжатли фильмлар.
16.05 «Рус тили».
16.40 «Эрмитаж. Эрмитаж биноси». 2-кўрсатув.
17.10 Халқ чолғу оркестрларининг концерти.
17.40 «Гарбузянадаги мўъжиза». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси («Укртелефильм»).
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Муаммолар — изланишлар — ечимлар».
20.15 З. Кодаи. Виолончель ва фортепьяно ижроси учун сонатина.
20.25 «Иван Бабушкин». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Балли, қизлар!» (Красноярск).
23.50 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 Чанғи спорти бўйича жаҳон кубоги.
19.20 «Саргузашт фильмлар экрани». «Камбағаллик ҳақида шаҳодатнома» (Одесса киностудияси).
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Халқ қўйлари.
21.00 «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун».
21.30 «Время».
22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК—«Спартак».

● ЎзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Салом, кичкинтойлар!» Мультфильм.
8.00 «Тонгги тароналар».
8.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади.
8.30 «Ахборот».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қулфат». Мультфильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг».
19.00 «Мўл-кўлчилик». «Ўзбектелефильм» студиясининг ҳужжатли фильми.
19.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Ленин ҳақида ҳикоялар».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «КПСС программ ҳужжатларини муҳокама қиламиз». Ёзувчи Т. Тўла сўзи.
20.00 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мақом кечаси».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ягона оилада». КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига бағишланган ҚҚАССР ҳамда республика областларининг телевизион фестивали. Жиззах область бадиий коллективларининг концерти.
22.50 «Эртага — премьера».
23.55 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00 — 17.20 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Поёни йўқ йўл». Телефильм.
18.40 Биология. Органик дунёнинг ҳозирги замон системаси.
19.10 «Урушнинг сўнгги тўплари». Ҳужжатли фильм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Б—2025. Р — 10534. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55-37; саноат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42.